

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

“СИЁСИЙ МЕНЕЖМЕНТ ВА ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА”

КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Сайидов Ақобир Оролқуловичнинг

“Германия ташқи сиёсатида Европа Иттифоқининг роли”

МАВЗУИДА 5320400 – ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА МУТАХАССИСЛИГИ

БЎЙИЧА МАГИСТРЛИК ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар

**Н. ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор**

Расмий тақризчи

**Н. ШОДИЕВ,
“Жамият” ижтимоий-сиёсий газетаси
бош муҳаррири ўринбосари**

Тошкент-2011

Ҳимояга рухсат этилди:

Факультет декани: _____ А. Нурматов

Кафедра мудири: _____ Н. Жўраев

Илмий раҳбар: _____ Н. Жўраев

Ташқи тақризчи: _____ Н. Шодиев

Ички тақризчи: _____ Д. Муитов

Магистрлик диссертацияси

**МАВЗУ: ГЕРМАНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИДА ЕВРОПА
ИТТИФОҚИНИНГ РОЛИ**

**ДАК қарори: Магистратура бўлим талабаси
Сайидов Ақобир Оролқуловичнинг магистрлик
диссертацияси “_____”га баҳолансин.
“_____” _____ 2011 йил**

ДАК раиси:

Ш. Ғуломов

ДАК котибаси:

Ё. Эркабоева

**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро
журналистика факультети магистри
Сайидов Ақобир Оролқуловичнинг**

**"Германия ташқи сиёсатида Европа Иттифоқининг роли" мавзuidaги
магистрлик
Диссертациясига**

Т А В С И Я Н О М А

Магистрлик диссертацияси мукаммал режа асосида ёзилган бўлиб, унинг методологик тузилиши ҳозирги давр талабида ишлаб чиқилган. Халқаро журналистика мутахассислигига қўйиладиган талаб тадқиқот ишида яққол кўриб турибди. Тадқиқотчининг мавзунини ёритиш жараёнида белгилаб олган мақсад ва вазифалари мазкур муаммони журналистик нуқтаи назардан ўрганиб чиқишга қаратилганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Магистрлик диссертациясидаги янгилик мавзуга оид манбалардаги таҳлилий фикрлар билан бойитилган. Муаммонинг назарий ва амалий аҳамияти қайси йўналишга тегишли эканлиги тадқиқот ишида тўлиқ кўрсатиб берилган.

Магистрлик диссертацияси мазмун ва моҳиятига қараб бобларга бўлинган ва етарлича таҳлил этилган. Шунингдек, назариядаги билимлар амалиётга тадбиқ этилганлиги билан битирув малакавий ишининг савиясини янада оширган.

“Германия ташқи сиёсатида Европа Иттифоқининг роли” мавзuidaги магистрлик ишини тадқиқотчи яхши ўрганган. Мавзуга оид ўзига хос хусусиятлар чуқур ўрганилган, таҳлил қилиниб, эришилган ютуқлар ва шу билан бирга муаммолар кўрсатиб берилган.

Тадқиқотчи ўз мавзусига тегишли бўлган кўплаб илмий адабиётлар ва матбуот нашрларидан фойдаланган. Магистрлик диссертациясида фикрлар аниқ ва исботи билан келтирилган.

Магистрлик диссертацияси тузилиши бўйича Давлат аттестацияси комиссияси талабларига тўлиқ жавоб беради ва уни ҳимоя қилишга тавсия этаман.

Илмий раҳбар:

**Н. Жўраев,
сиёсий фанлар доктори,
профессор**

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика
факультети магистранти Сайидов Ақобир Оролқуловичнинг
«Германия ташқи сиёсатида Европа Иттифоқининг роли» мавзuidaги
магистрлик диссертациясига**

Т А Қ Р И З

Жаҳонда технологиялар ривожланиб, илмий кашфиётларнинг кўпайиши инсон онги ва тафаккури юксалиб, унинг ақлий имкониятлари ортиб бораётганидан далолат беради. Ана шундай оламшумул ютуқлар билан биргаликда баъзи бир иллатлар ҳам мавжудки, улар инсоният тараққиётига, халқаро алоқалар ривожига тўғаноқ бўлмоқда. Халқаро террорчилик, диний экстремизм, ақидапарастлик, наркобизнес ва одам савдоси каби тушунчалар ана шундай тўсиқлар жумласидандир. Мазкур иллатларга қарши курашиш, тараққиётнинг инсоният манфаатларига мос жадаллашувини таъминлаш мақсадида давлатларaro ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиб, мустаҳкамланмоқда. Стратегик аҳамиятга эга ҳамкорлик нафақат миллатларни, балки барча халқларни ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий соҳада назарий ва амалий билимларга эга бўлиши учун ўзига хос дастур вазифасини ўтайди. Сабаби ҳар қандай давлатларaro алоқалар муайян режага мувофиқ, олдиндан белгиланган битимлар ва келишувлар асосида амалга оширилади. Бундай дастур ўзининг аниқ ҳаракат йўналишларига, мақсад-вазифаларига эга бўлиши, давлатлар орасидаги ўзарo икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг такомиллашиб боришига ҳам муҳим омил сифатида хизмат қилиши билан эътиборга моликдир.

Ақобир Сайидовнинг магистрлик ишида Германия – Европа Иттифоқи ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Республикаси ҳамда Германия давлатлари ўртасидаги стратегик шериклик ва ҳамкорликнинг икки давлат ташқи сиёсий фаолиятидаги аҳамияти таҳлил қилинган.

Германия Федератив Республикаси жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига, нуфузига эга давлат сифатида жаҳон мамлакатлари билан ҳамкорлик

қилиб келмоқда. Бу ўринда Европа Иттифоқининг роли ҳам бениҳоя катта. Европа Иттифоқи ва Германия Федератив Республикасининг ташқи сиёсат доирасида аниқ мақсадларга йўналтирилган ҳамкорлиги бугунги кунда қандай кўринишга эга, мазкур ҳамкорликнинг ютуқлари ва камчиликлари нималардан иборат, ҳамкорликка асосланган сиёсий қарашлар қандай манфаатларни кўзлайди? Шу ва шунга ўхшаш мавзу моҳиятига эътиборни жалб этувчи саволларга магистрлик ишида имкон қадар жавоб берилган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак, тадқиқотчининг танлаган мавзуси ўзининг долзарблиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир. У мавзунинг ёритишда тарихий босқичларда шаклланган стратегик ҳамкорлик тушунчасининг назарий ва амалий аҳамиятини бир неча олимлар, сиёсатшунослар ҳамда тадқиқотчилар тажрибасидан келиб чиқиб, синтезлаб олинган фикрлар воситасида талқин қилган. Бу талқин магистрлик ишининг савиясини оширган деб баҳолаш мумкин.

Шунингдек, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ҳамкорлиги аниқ хусусиятларининг иқтисодий муносабатларда қай тарзда ўз ифодасини топаётгани, Марказий Осиё минтақасида юзага келаётган баъзи зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш борасидаги ҳамкорлик, иқтисодий соҳадаги алоқалар ва бошқа жабҳалардаги ўзаро муносабатлар ҳозирги кунда ўзининг ижобий натижаларини бераётгани илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Мазкур ишда тадқиқотчи эришган ютуқлар билан бирга йўл қўйган айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Хусусан, айрим ҳолларда таҳлил жараёнида бир фикрдан иккинчи фикрга тезда ўтиб кетиш ҳолатлари учрайди. Таҳлилларда изчилликка эътибор қаратиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бироқ шундай бўлса-да, кўрсатилган камчиликлар магистрлик ишининг мазмун-моҳиятига салбий таъсир кўрсатмайди. Ақобир Саидов ушбу камчиликларни кейинги илмий ишларида инобатга олиб, жиддий тадқиқотларга қўл уради, деб ўйлайман.

Акобир Сайидовнинг «Германия ташқи сиёсатида Европа Иттифоқининг роли» мавзуидаги магистрлик диссертацияси юқори савияда ёзилганини, унинг магистрлик академик даражасини олишга доир низом талабларига мос эканини инобатга олиб, ижобий баҳога тавсия этаман.

Расмий тақризчи:

**Нурали ШОДИЕВ,
«Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси
Бош муҳаррири ўринбосари**

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика
факультети магистранти Сайидов Ақобир Оролқуловичнинг
«Германия ташқи сиёсатида Европа Иттифоқининг роли» мавзусидаги
магистрлик диссертациясига**

Т А Қ Р И З

Жаҳон сиёсий майдонидаги воқеалар кундан-кунга шиддат билан ривожланмоқда. Бугунги кунда жаҳоннинг исталган минтақасида турли кучлар ва давлатларнинг манфаатлари ўзаро тўқнаш келаётгани айна ҳақиқат.

Маълумки, ҳаёт Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар тизимининг, у ишлаб чиққан ривожланиш тамойилларининг асосли эканлигини кўрсатди. Жаҳон сиёсатчилари ва жамоат арбоблари унинг янгича қарашларига юксак баҳо бермоқдалар ва ўз вақтида қўллаб-қувватламоқдалар.

Стратегик жиҳатдан барқарорликни сақлаш, иқтисодий мустақилликка эришиш ва иқтисодий ўсиш, республика аҳолисининг фаровонлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти — халқаро ҳамкорлик доирасида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишдан иборат.

Тадқиқотчи — Ақобир Сайидов "Германия ташқи сиёсатида Европа Иттифоқининг роли" мавзусини ўрганиш жараёнида геосиёсий манфаатлар, халқаро муносабатлар, Германия Федератив Республикаси ва Европа Иттифоқи ҳамкорлиги самараларини ва жаҳон сиёсий майдонида кечаётган жараёнларни чуқур ўрганишга ҳаракат қилган.

Мазкур мавзунинг долзарблиги ҳеч кимга қарам бўлмаган, ўз кучи ва салоҳиятига эга давлат барпо этишнинг дастурий вазифаларидан бири - янги халқаро алоқалар таркибининг муҳим ўринга чиқиши билан ҳам изоҳланади. Тадқиқотчи ана шундай кенг қамровли катта мавзунини ўрганишга, тадқиқ этишга интилан.

Бундан ташқари, диссертацияда халқаро муносабатларнинг давлатлараро алоқалар динамикасига таъсири, соҳада юзага келаётган муаммолар таҳлил этилган. Шунингдек, иш жараёнида нуфузли халқаро ташкилотлар, таниқли тадқиқотчилар ва сиёсатшунослар, турли давлат ва нодавлат таҳлил марказлари хулоса ҳамда фикрларидан фойдаланилган. Диссертацияни ўқиш ёнида икки давлат ҳамкорлигининг ривожига хусусидаги айнан юртимиз ва кунчиқар мамлакат оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган, мавзуга оид бўлган кўплаб мақолалардан мисоллар ва аниқ манбаларга асосланган фактларни учратиш мумкин.

Диссертациянинг мураккаблиги ҳисобга олиниб, учта боб ва олти параграф тузиб олиниб, ҳар бирининг устида алоҳида аҳамият билан изланишлар олиб борилганлигини таъкидлаш керак. Жумладан, диссертацияга асосий таянч сифатида Президентимизнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари", "Ўзбекистон буюк келажак сари", "Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида" асарлари бош мезон қилиб олинганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, тадқиқотчи томонидан магистрлик диссертациясининг хулоса қисмида берилган таклифларни долзарб ва эътиборга молик, деб ҳисоблайман.

Менинг назаримда кўрсатилган мавзу мукаммал режа, салмоқли талаблар асосида муваффақиятли тадқиқ этилган.

Мазкур магистрлик иши илмий ёзиш талабларига жавоб беради ва у ҳимояга тақдим этилиши мумкин.

Тақризчи:

**Д. МУИТОВ,
сиёсатшунослик фанлари номзоди,
доцент**

М у н д а р и ж а

Кириш.....	
I боб. Ташқи сиёсат ва унинг асосий принциплари: методологик таҳлил	
1.1. Ташқи сиёсат ва унинг устувор йўналишлари.....	
1.2. Халқаро алоқаларда ташқи сиёсатнинг тутган ўрни.....	
II боб. Европа Иттифоқининг Германия ташқи сиёсатида тутган ўрни	
2.1. Германия ва Европа Иттифоқи ҳамкорлигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари.....	
2.3. Европа Иттифоқининг Германия ташқи сиёсатидаги аҳамияти.....	
III боб. Германиянинг Шарқ давлатлари билан алоқаларида Европа Иттифоқи: режа ва истиқболлари	
3.1. Германиянинг Ўзбекистон билан алоқаларида Европа Иттифоқининг вазифалари.....	
3.2. Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг ўзаро ҳамкорлиги ривожланиш жараёнлари.....	
Хулоса.....	
Адабиётлар рўйхати.....	

Кириш

Демократик тараққиёт қадриятлари, тамойиллари ва меъёрлари тобора ҳаммабоп бўлиб бормоқда. Эндиликда уларнинг зарурлиги ва амалий таъсирини ҳеч қаерда инкор этиб бўлмайди. Шу билан бирга, демократия ва тараққиёт томон боришнинг ўзига хос йўллари борган сари катта роль ўйнамоқда.

Мураккаблашиб бораётган кўп қутбли дунёдаги шу каби улкан ўзгаришлар Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишини бевосита ва билвосита белгилаб беради. Борган сари очиқлик, демократик тамойилларга, умуминсоний қадриятлар ва меъёрларга мансублик сиёсати мамлакатлар ижтимоий ҳаётини демократлаштириш жараёнларида ўз изини қолдирмоқда. Шунингдек, бу ўзгаришларнинг жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгида идрок қилинишига ҳам таъсир кўрсатмоқда ва бу билан дунёнинг ҳозирги қиёфасини шакллантирмоқда.

Халқаро ҳамжамият Ўзбекистоннинг, у пухта ўйлаб амалга ошираётган изчил ташқи ва ички сиёсатнинг нотинч Марказий Осиё минтақасида вазиятни барқарорлаштириш ҳамда кескинлик кенг тарқалишининг олдини олишдаги аҳамиятини ва кучайиб бораётган ролини борган сари кўпроқ англамоқда. Бу эса бизни тобора жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувимизни таъминлаш баробарида, ривожланиш босқичларини забт этган, фаровон ҳаёт ва муносиб тараққиётга эриша олган мамлакатлар тажрибаси билан танишишимизни талаб этади.

Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти. Давлатимизнинг Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатлари бутун дунё ҳамжамияти, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам ўта муҳим бўлган халқаро барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш вазифалари билан бевосита боғлиқдир. Бу масалада ҳарбий кучлар эмас, балки сиёсий, иқтисодий, илмий-техник, технологик, маданий-маърифий ва гуманитар омиллар асосий роль ўйнайди. Давлатларнинг ташқи сиёсати тобора очиқ тус олаётган ва минтақалар, бутун

дунё масштабида интеграциялашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган бир шароитда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари халқаро ҳамкорликлар билан янада мустаҳкамроқ боғланиб бормоқда. Хорижий мамлакатлар, жумладан Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳам ўрнатилган самарали ҳамкорликларни илмий жиҳатдан идрок этиш назарий методологик нуқтаи назардан ўта долзарб аҳамиятга эгадир.

Истиқлол мамлакатимиз учун жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида кириш имкониятларини очиб берди. Мустақил Ўзбекистоннинг асосий мақсади барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига, самарали ташқи сиёсатга эга бўлган ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этишдан иборат бўлиб қолди.

"Жаҳон тажрибаси, кейинги йилларда эса ўзимиз тўплаган тажриба ҳам шуни яққол кўрсатмоқдаки, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда кенг миқёсдаги ўзгаришларни муваффақиятли амалга оширишнинг, ижтимоий муносабатларни тубдан ислоҳ қилишнинг, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилиш ва фаол халқаро ҳамкорликнинг ғоят муҳим шарти - мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлашдан иборат".¹

Худди ана шу жаҳон тажрибасини умумлаштирган ҳолда мақсад сари интилиш, яъни мамлакатимизни тараққий этган, фаровон ва ўз салоҳияти билан буюк державалар сафидан ўрин олишини таъминлаш муҳим мақсад ҳисобланади. Зеро, диссертация ишининг объекти бўлган Германия Федератив Республикаси ўзининг диққатга сазовор фаолияти, айниқса ташқи сиёсатдаги ўзига хос ҳамкорлик услублари билан бир қатор тажрибаларни ўзида жамлагандир. Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаларининг ўзаро стратегик ҳамкорлиги бир қатор жабҳаларда акс этмоқда. Мамлакатимизнинг Германия ва Европа Иттифоқи мамлакатлари

¹ Ислон Абдуғаниевич Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид , барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" Т. "Ўзбекистон" 1997 й

билан ўзаро сиёсий – иқтисодий алоқаларни кенгайтириш йўлидан бораётгани бежиз эмас, албатта. Ўзаро ҳамкорликка асосланган, жаҳон тажрибасини умумлаштирган фаолиятгина келгусида ўз натижасини беради.

Тадқиқот ишининг мақсади. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган, демократик ривожланиш йўлига тушиб олган, халқаро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрни ва ўз қарашларига эга бўлган давлатларга ҳавас билан қараб, улар билан қалин дўстлик ва яқин ҳамкорлик иplarини боғлаш мамлакатимиз ташқи сиёсатини белгилаб беради. Нафақат Германия, балки бутун жаҳон давлатлари бугунги кунда Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг барқарор мамлакат ва ишончли ҳамкор сифатида тан олмоқда. Шу боис ҳам ўтган йиллар мобайнида жаҳоннинг кучли ва илғор мамлакатлари Ўзбекистон билан барча соҳалар бўйича ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Германия Федератив Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган давлатлардан биридир. Ўзбекистон истиқлолга эришган илк йиллардан бошлаб у мамлакатимиз билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, юртимиздаги кенг кўламли ислохотларни кўллаб қувватлаб келмоқда. Шунини айтиш керакки, мамлакатимизнинг дўстона яқинлиги ХХІ асрда Ўзбекистон билан Германия, Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш имконини беради, бу эса, ўз навбатида халқларнинг тарихий ва маданий меросини ҳурмат қилиши, иқтисодий ривожланиш масалаларига тўғри, холис ва оқилона ёндашувни, дунёвий аҳамиятга молик кўплаб масалаларга муносабатининг муштараклигини келтириб чиқаради.

Бугун халқаро ҳамкорлик борасидаги кузатувларни тартибга солиш, оралиқ хулосалар ва кейинги илмий изланишлар шарт-шароитлари ҳамда вазифаларини аниқлаб олиш учун етарлича кенг қамровли маълумотлар йиғилган. Э. Милнер халқаро ҳамкорликка бағишланган замонавий адабиётларни таҳлил қила туриб, бу соҳада сўнгги ўн йилликда сезиларли

даражада ютуқларга эришилди, деган хулосага келди. Асосий назарий ютуқлардан бири сифатида айтишимиз мумкинки, ҳозирда ҳам давом этиб келаётган баҳс-мунозараларга қарамай, илмий ҳамжамиятда халқаро ҳамкорлик тушунчаси борасидаги келишув шаклланди. Кўп олимлар ҳамкорликни "сиёсат координацияси жараёни орқали бошқаларнинг далилий ёки кутилган афзалликларига мувофиқ ўз хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи акторлар" ҳолати каби кўрсатишади. Бошқача қилиб айтганда, халқаро ҳамкорлик мавжуд бўлган уч элементни: ҳамкор давлатларнинг умумий мақсади, вазиятдан кутилган фойда ва бу икки томонлама фойданинг ўзаро характерини тахмин қилади. "Ҳар бир актор бировга ёрдам бериши шарт эмас, лекин буни қила туриб давлатлар сиёсати координациясидаги икки томонлама муносабатда ўз вазиятининг яхшиланишини кутади.

Бундай тушунча бошқаларнинг қизиқишларини қондиришга халақит бериш учун йўналтирилган ёки фойдасини қисқартиришни мақсад қилиб олган хатти-ҳаракатлар чизигини ифодаловчи конфликт ёки ҳамкор рақобатчилар орасидаги чегараларни излашда аҳамиятли".²

Мустақиллик йилларида давлатлараро ҳамкорликнинг янгича механизмлари ва шакллари қарор топди. Ички ижтимоий тузилмаларнинг тубдан ўзгартирилиши халқаро даражадаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларни, шу жумладан, Европа мамлакатлари билан ўрнатилган алоқаларни ҳам тубдан қайта қуришни тақозо этишининг назарий асосларини ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг вазифалари:

- Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар, хусусан Германия ташқи сиёсий алоқалари, ҳамкорлик муносабатларининг давлатлар тараққиётида тутган ўрнига эътибор бериш;
- ўзаро ҳамкорликнинг амалий қирраларини очиб бериш;
- турли илмий адабиётлар, ўқув қўлланмалардан фойдаланиб, Европа

² Э.Милнер, Политика ФРГ в Европейском Союзе. Издательство: МГИМО, 2007. 214 ст.

иттифоқи билан ҳамкорлик тушунчаси, унинг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрнини ўрганиш,

- Германия ички ва ташқи сиёсатининг ўзига хос жиҳатларини ажратиб кўрсатиш ва ўрганиш;

- назария ва амалиёт боғлиқлигини таъминлаган ҳолда Ўзбекистон ва Германиянинг йирик нашрларида Европа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ёритилишини талқин этиш ва бунинг мамлакатлар турмуш тарзига кўрсатиши мумкин бўлган ижобий таъсирини тушунтириш тадқиқот ишининг вазифалари ҳисобланади.

Ишнинг назарий ва методологик асослари. Ишимизнинг назарий асосини Президентимиз И.А.Каримов асарлари, Ўзбекистон Республикаси қонун ва қонуности ҳужжатлари, назарий жиҳатдан ўрганиш ва фикрларни асослаш учун сиёсатшунослик фани тарихи, Германия ва Европа Иттифоқи тарихи, сиёсий ва ташқи сиёсий фаолияти, ҳамкорлик босқичлари, фаолиятининг турли хусусиятларини ўзида жамлаган илмий асарлар, тадқиқотчи-мутахассислар томонидан ҳимоя қилинган илмий ишлар, адабиётлар, дарслик, қўлланма, тўпламлар ташкил этади.

Илмий ишнинг ўрганилиш объекти қилиб — Германия ҳукумати нашрларидан, ташқи сиёсатга оид мақолаларни ўзида жамлаган “Dutchland” журналининг бир неча сонлари, асосан онлайн шаклидан фойдаланилди. Германия ташқи сиёсатига оид интернет манбалари, шунинг баробарида энциклопедия, мамлакатимиз нашрларида чоп этилган “XXI аср” ижтимоий сиёсий газетаси, “Халқ сўзи” газетаси ва “Хуррият” мустақил нашрларининг 2009-2011 йилларига оид сонларидаги “Халқаро ҳаёт”, “Ҳамкорлик уфқлари” рукнлари остида чоп этилган шарҳ ва мақолалари ўрганилиб, мавзуга оид бир қатор фактларни изоҳлашга хизмат қилди.

Ишнинг илмий янгиликлари ва эришилган натижалар:

- Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ҳар бир мамлакатда амалга ошириладиган барқарор ва доимий равишда илгарилаб борувчи иқтисодий ва

маданий тараққиётсиз, бозор муносабатларини шакллантирмасдан, импорт ўрнини босувчи ва экспорт учун ҳам мўлжалланиши мумкин бўлган ишлаб чиқаришни йўлга қўймасдан амалга ошириш мумкин эмаслиги;

- ҳар бир мамлакат ўз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, миллий мустақиллик ва давлат суверенитетини кучайтириш, миллий онг ва миллий маданиятни ривожлантириши керак бўлади.

Фақат шу йўл билангина тенг ҳуқуқли ҳамкорликни таъминлаш, бошқа мамлакат таъсирига тушиб қолмаслик мумкинлиги;

- сўнгги йилларда халқаро муносабатлар тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, мамлакатларнинг интеграциялашув жараёнидаги ҳамкорлиги учун ҳар бир мамлакатда сиёсий барқарорликка эришиш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувлик ўта зарурлиги;

- ўзаро ҳамкорлик маълум қонуниятлар асосида ривож топади, алоҳида олинган бирор бир давлат тузилмаси доирасида мавжуд қонуниятлардан фарқ қилади. Уларни маълум маънода ҳамкорлик доирасига уюшган давлатларнинг ривожланиш қонуниятлари, деб аташ ҳам мумкинлиги;

- ҳамкорликка аъзо бўлиш, ички вазифаларни ҳал этиш учун ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланишга алоқадор умумий манфаатларнинг мавжудлиги ва сабаб бўлмоғи керак эканлиги талқин қилинганлигидир.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, 3 та мустақил боб, 6 та бўлим, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб - ташқи сиёсат ва унинг асосий принциплари, методологик таҳлилидан иборат. Унда ташқи сиёсат ва унинг устувор йўналишлари, халқаро алоқаларда ташқи сиёсатнинг тутган ўрни, вазифалари, фавқулодда вазиятларда мамлакатларнинг эътибор бериши зарур бўлган масалалар, умумжаҳон миқёсида қабул қилинган ўзгармас қоидаларнинг таҳлили ва бошқа сиёсий тушунчаларга изох берилади. Бунда асосан назарий ва амалий

тадқиқотлар биринчи ўринда туради.

Иккинчи боб эса - мавзуга чуқурроқ кириб бориш билан бирга кўтарилган мавзунинг асосий объекти бўлган Европа Иттифоқи ва Германиянинг ташқи сиёсий позицияси, Европа Иттифоқининг мақсад ва вазифалари, Германия ва Европа Иттифоқи ҳамкорлик босқичлари ҳамда Европа иттифоқининг Германия ташқи сиёсатидаги аҳамияти йўналишида ёритилган.

Учинчи бобда - Германиянинг Шарқ давлатлари билан алоқаларида Европа Иттифоқининг ролига изоҳ берилган. У асосан икки бўлимдан: Германиянинг Ўзбекистон билан алоқаларида Европа Иттифоқининг вазифалари ва Германия -Ўзбекистон Республикасининг ўзаро ҳамкорлиги ривожланиш жараёнларидан иборат. Кўриниб турганидек учинчи бобда асосий эътибор биз танлаган мавзунинг Ватанимизга дахлдорлигини ошириш, кўрсатиб беришга йўналтирилган.

I боб. Ташқи сиёсат ва унинг асосий принциплари: методологик

таҳлил

1.1 Ташқи сиёсат ва унинг устувор йўналишлари.

Давлатларнинг ташқи сиёсати объектив сиёсий ҳодиса ҳисобланади. Ҳеч бир давлат бошқаси билан у ёки бу даражада алоқа қилмасдан ёки ўзаро муносабатда бўлмасдан самарали ривожлана олмайди. Давлатларнинг ўзаро муносабатлари ва алоқалари қай даражада олиб борилишидан қатъий назар, бу жараён халқаро муносабатларнинг боришини белгилаб беради. Ташқи сиёсатнинг зарурлигини ҳар бир давлатнинг эҳтиёжлари тақозо этади. Эҳтиёжлар аввало, ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади. Ҳеч бир давлат ўзини ташқи сиёсатда бошқа давлат манфаатларидан устун қўймайди ва бунга интилмайди. Ўз навбатида у ёки бу мамлакатнинг миллий манфаатлари бошқа мамлакатларнинг манфаатларидан ҳам устун қўйилмаслиги лозим. Ҳар бир давлат ўзининг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ана шу талабларга оғишмай риоя қилиши зарур. Акс ҳолда давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда қарама-қаршиликлар келиб чиқиши табиийдир.

Дунёда юз бераётган муҳим ўзгариш ва жараёнлар ҳаётга объектив равишда бир томондан беқарорлик бахш этса, иккинчи томондан маълум бир тузилма, тартибга мойиллик тизими шаклланади. Унга нисбатан бефарқ ва масъулиятсизлик билан қараш инсонга катта зарар етказади. Бу ўз навбатида халқаро сиёсатга, халқаро ҳамжамиятга хос нарсаси эмас. Шу боисдан инсоният, барча сиёсий-интеллектуал доиралар батамом бошқача ёндашувга мойилликни юзага келтиради. Шаклланаётган қарашлар тизими ранг-барангдир. Шу сабабли, бу масалага давлатлар ва гуруҳлар ўртасидаги турли хил муносабатлардан иборат тизим сифатида ёндашув тўғри бўлади.

Халқаро тизим сиёсат субъектига қарашларда турли хил тенденциялар кучаймоқда. Шулардан бири, халқаро тизим субъектига номақбул қарашлар бўлиб, политолог, сиёсий арбоблар Збигнев Бжезинский ҳамда Генри

Киссинжерларга мансуб бўлган «реалистлар мактаби» вакиллари қарашларидир. Унга кўра, халқаро сиёсат майдони, яъни халқаро ҳаёт улкан шахмат тахтаси бўлиб, у ердаги фигуралар, яъни иштирокчилар қандайдир кучли ўйинчилар изми ва хоҳиш иродасига боғлиқ бўлишади. Иккинчи қарашга кўра, халқаро ҳаётга моҳиятан бир-бирига душман бўлган давлатлар фаолияти макондир, дейилиб, халқаро сиёсат эса яхлит тизим бўлмасдан бир-бирига азалий муҳолиф бўлган кучларнинг ўзаро муносабатидан шаклланади. Булардан ташқари халқаро тизим субъектида унчалик муҳим ёки муҳим бўлмаган бошқа кўплаб қарашлар ҳам борки, улар шартли равишда прагматиклар ва идеалистлар, фрагментарчилар ва монистлар, бирқутбчилар ва кўпқутбчилар ҳисобланади. Хуллас, турли-туман мактабларга мансуб бўлсада, лекин у ёки бу маънода уларнинг барчаси юқорида номи зикр этилган икки анъанавий қарашга мансубдир.

Халқаро тизим ва унинг тузилмаларида муносабатлар, уларнинг ҳуқуқий мезон ва меъёрларининг ноёблиги ҳокимият муаммосиги ҳам қандайдир ўзига хослик, хусусийлик бағишлайди. Жумладан, халқаро тизимда ҳокимият ташувчи куч ишлатиш эмас, балки маърифий-сиёсий таъсир ўтказишга таяниб фаолият кўрсатиши мумкин.

Ҳокимиятни қўлга киритиш жараёни адолат тарозиси, давлатларнинг бу йўлда хулқ-атвори, хатти-ҳаракатининг маърифийлигига асосланиши керак. Шу жиҳатдан давлатларнинг хулқ-атворини халқаро тизим моҳиятининг маълум маънода воқеликда акс этиши ёки функцияси деб қараш тўғри бўлади.³

Давлатларнинг миллий манфаатлари уларнинг ташқи сиёсати орқали моддий кучга айланиб халқаро майдонда уларнинг у ёки бу даражада фаолият кўрсатишини белгилаб беради. Ташқи сиёсат зарурлигининг миллий манфаатлари орқали ифодаланиши барча давлатларга хос бўлган умумий ҳодиса ҳисобланади.

³ Поздняков Э.А. Геополитика.-М.:Прогресс, 1995

Давлатлар учун ташқи сиёсатнинг зарурлиги бир давлатнинг бошқаси билан ўзаро муносабатда бўлиши ва ўзаро ҳамкорликни турли хил шаклларда олиб бориши билан белгиланади. Давлатлар ташқи сиёсатининг зарурлигини халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиш эҳтиёжлари ҳам тақозо этади. Халқаро муносабатларда рўй берадиган ҳар қандай муаммони ҳал қилиш биринчи навбатда давлатлар ташқи сиёсий фаолиятига боғлиқ бўлади.

Давлатларнинг ташқи сиёсати ва унинг амал қилинишига ички ва ташқи омиллар таъсир этиб туради. Ички омиллар объектив ва субъектив омиллардан ташкил топади. Объектив омилларга мамлакатларнинг ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ бўлган омиллар, субъектив омилларга эса, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида фаолият кўрсатувчи сиёсатнинг турли хилдаги субъектлари киради. Бу омиллар ташқи сиёсатга таъсир этиши билан бирга унинг зарурлигини ҳам тақозо этади.

Умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал этиш эҳтиёжлари ҳам давлатлар ташқи сиёсатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Гарчи давлатларнинг умумбашарий муаммоларни ҳал этишга муносабати уларнинг ички сиёсати орқали ишлаб чиқилсада, унинг амалга оширилиши ташқи сиёсатга боғлиқ бўлади. Чунки давлатлар ўзларининг ташқи сиёсати орқали умумбашарий муаммоларни ҳал этишда ўз ҳиссаларини бошқа давлатлар билан ҳамжиҳатликда аниқлаб оладилар. Ташқи сиёсат ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар билан тинч ва аҳил яшаш эҳтиёжларидан ҳам келиб чиқади.

Халқаро хавфсизликни таъминлаш ва дунёда барқарор тинчликка эришиш эҳтиёжлари ҳам давлатлар ташқи сиёсатининг зарурлигини ифода этади. Ташқи сиёсат ривожининг бутун тарихи давлатларнинг ташқи сиёсатида тинчлик ва хавфсизлик учун кураш ҳамиша етакчи ўринни эгаллаб келганлигини кўрсатади. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳам бу масала ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ташқи сиёсат ҳам ички сиёсат сингари ўзига хос хусусиятларга эга. Давлатларнинг ташқи сиёсатига мос бўлган асосий ва муҳим хусусиятларидан бири ташқи сиёсатнинг объектив моҳиятга

эга эканлиги билан белгиланади.

Ташқи сиёсатга хос бўлган объективлик хусусияти давлатларнинг халқаро майдонда рўй бераётган ўзгаришларга муносабат билдиришида ҳам намоён бўлади. Бу муносабат, бир томондан, ҳар бир давлатнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан эса, у жаҳон сиёсатидан четда қолиб кетмаслиги зарурлигидан келиб чиқади.

Ташқи сиёсат ўзгарувчанлик хусусиятига эгадир. Маълумки, мамлакат ичида ва халқаро майдонда рўй берадиган янгидан-янги сиёсий воқеа-ҳодисаларга билдириладиган муносабат ҳамиша бир хилда бўлиб қолмайди. Гарчи, бу муносабат давлатлар ташқи сиёсатининг бутунлай ўзгариб кетишига олиб келмаса-да, айти пайтда бу сиёсатга маълум даражада таъсир этиб, унинг янги вазият талабларига мос равишда ўзгариб туришига сабаб бўлади.⁴

Ташқи сиёсат ҳам ички сиёсат сингари барқарорлик хусусиятига эга бўлади. Барқарорлик, бир томондан, ташқи сиёсий вазиятга, иккинчи томондан эса, сиёсий ҳокимиятларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади.

Ташқи сиёсатга турли давлатларнинг мақсад ва манфаатларидаги умумийлик ҳодисаси ҳам хосдир. Бир давлатнинг ташқи сиёсати бошқа давлатларнинг ташқи сиёсатига кўп жиҳатдан мос келади. Буни ҳар бир давлатнинг жаҳон майдонида рўй бераётган ўзгаришларга бир хил муносабат билдиришда у ёки бу муаммони ҳал этишда, биргаликда ҳаракат қилишида аниқ кўриш мумкин. Масалан, ҳозирги кунда тинчлик ва хавфсизлик учун кураш, ҳарбий можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, терроризм (2001 йиллари Афғонистондаги террорист Усама бин Ладинга), оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқариш (2003 йил мартда Ироқ президенти Саддам Ҳусайин)га қарши биргаликда кураш ва бошқа шулар сингари сиёсий муносабатларда кўпчилик давлатлар олиб бораётган ташқи сиёсатда умумийлик ҳодисаси устун ўринни

⁴ Зюганов Г. География победы.-М,1998, ст. 108-109

эгаллайди.

Давлатларнинг ташқи сиёсатига мамлакат ичидаги ва халқаро майдондаги турли сиёсий кучлар таъсир қилиб турса-да, бироқ улар бирон бир давлатнинг ташқи сиёсатини батамом ўзгартириб юбора олмайди. Ташқи сиёсатга қилинадиган таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсатига кўрсатиладиган ижобий таъсир унинг мамлакат ичида ва халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга, унинг обрў-эътиборининг ошишига ёрдам беради. Бундай шароитда давлат мазкур сиёсий кучлар билан ҳамжиҳат бўлишига, улар фаолияти ва ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Ташқи сиёсатни амалга ошириш воситаларидан бири дипломатиядир. Дипломатия – (французча) – давлатнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш усуллари билан бири. Дипломатик давлат раҳбарлари, ҳукуматлар, давлат ташқи ишлар органлари ва бевосита дипломатларнинг ташқи сиёсат мақсад ва вазифаларини амалга оширишга ҳамда ўз давлатининг ва хориждаги айрим фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам берувчи расмий фаолияти шаклида олиб борилади. Демак, дипломатия ташқи сиёсатда давлат ҳокимияти фаолиятининг мақсад-йўналиши бўлиб, дипломатияни ташқи сиёсат орқали амалга ошириш восита сидир.

Ташқи сиёсат муносабатлари икки кўринишда бўлади:

1. Давлатлар ички кўринишида (Ташқи ишлар вазирлиги амалга оширади).
2. Ташқи кўринишда (Ташқи сиёсатни амалга ошириш воситаси дипломатиядир).

Дипломатияда дипломатик ваколатхоналарнинг икки шакли бўлиб, улар:

- 1) доимий дипломатик ваколатхоналар (элчилар, махсус ваколатхоналар – миссия кўринишида бўлади);
- 2) муваққат ваколатхоналардир.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишидаги ўтган ўн икки йили

давомида дипломатия соҳасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Тошкентда 43 мамлакат ўз элчихонасини очди. Эндиликда Ўзбекистон энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Шунинг билан бирга барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантирмоқда. Энг йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада 88 та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди. Дунёдаги 30 дан ортиқ давлатда Ўзбекистонинг элчихоналари ва консуллари ишлаб турибди⁵. Ўзбекистон 30 та нуфузли халқаро иқтисодий ва молия ташкилотларининг тенг ҳуқуқли аъзоси. Жаҳоннинг 140 мамлакати билан савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатилган. Ўтган йиллар ичида Ўзбекистон кўплаб жуда муҳим халқаро конвенцияларга қўшилди. Элчи - давлатларнинг ўзаро дипломатик алоқаларида фаолият кўрсатувчи дипломатик ваколатхоналар бошлиғи. Одатда элчихона бошқа давлат ҳудудида жойлаштирилган давлат муассасаси - идораси бўлиб, у ўз ҳокимиятининг расмий қарор-фармойишлари ва кўрсатмалари асосида иш олиб боради. қадимдан элчи ҳам подшоҳлар хизматида бўлган. Низомулмулк фикрича, элчи сўзлашда жасур, жаҳон кўрган, донишманд, ўткир хотирали, андишали ва чиройли бўлсин. Агар элчи ёши улуғ ва олим бўлса яхшидир, ишонч уйғотади. Элчи улуғвор бўлса, камгап, доно элчи яхшироқдир. Элчининг сийрати ва фикри подшоҳнинг сийрати ва фикридан далил.⁶

Барча даврларда бўлгани сингари ҳозирги босқичда ҳам давлатларнинг ташқи сиёсати мамлакат ҳаёти ва халқаро майдонда рўй бераётган ўзгаришларга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда. Ҳар бир давр давлатларнинг ташқи сиёсатига ўз хусусиятларини киритгани

⁵ Ғуломов С. ва бош. Ўзбекистон 11 йил мустақил тарққиёт йўлида. Т.: «ЎАЖБНТ» маркази, 2002, 35 – 36-бетлар.

⁶ Низомулмулк, “Сиёсатнома”(XI аср), Моварауннахр 1997 й, 103-104 бетлар.

сингари ҳозирги босқичнинг ўзгаришлари ҳам бу сиёсатда ўз ифодасини топмоқда. Ҳозирги халқаро муносабатлар ва уларнинг ривожланишини давлатларнинг ташқи сиёсатсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бунинг сабаби шундаки, халқаро муносабатлар қандай бўлишидан қатъий назар, давлатларнинг ташқи сиёсати орқали таъсир кўрсатилади. Бу таъсир давлатларнинг ташқи сиёсий фаолиятида амалий кучга айланади ва турли хилдаги натижаларга олиб келади.

Давлатларнинг ташқи сиёсати халқаро муносабатларда ижобий ёки салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бунинг сабаби жуда хилма-хил бўлиб, уларни қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, айрим ҳолларда давлатлар ўз ташқи сиёсатини, ишлаб чиқиш ва амалга оширишда халқаро муносабатларда рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олмаган ҳолда бу муносабатларда иштирок этишга ва унга таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. Бунда гап у ёки бу давлат томонидан халқаро муносабатларда рўй бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб етмаслик устида эмас, балки уларга онгли муносабат билдириш ҳақида бормоқда. Шундай давлатлар борки, улар айрим ҳолларда халқаро муносабатларда бўладиган ўзгаришлар ва уларнинг оқибатлари билан ҳисоблашмай ҳаракат қилади. Натижада бундай уриниш бошқа давлатларнинг манфаат ва мақсадларига зид келади ва оқибат халқаро муносабатларда танглик ҳолатлари келиб чиқишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, халқаро муносабатларни тартибга солиб туришда давлатларнинг ташқи сиёсати муҳим аҳамиятга эгадир. Ташқи сиёсат ёрдамида давлатлар халқаро майдонда рўй бераётган вазиятга ўз муносабатларини билдирадилар ва ундан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилишга у ёки бу даражада ҳисса қўшадилар. Масалан, XX аср 90-йиллари биринчи ва иккинчи ярмида Босния, Герцеговина, Сербия, Хорватия мамлакатлари ўртасида келиб чиққан уруш ҳаракатлари, Чеченистон воқеалари, Афғонистон ва Тожикистондаги можаролари, айниқса, 2001 йил

11 сентябрдаги АҚШ га қилинган террористик хуружга, 2003 йил бошларида Ироқнинг оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқариш ва йўқотишга дунёдаги кўпчилик давлатлар ўз муносабатларини билдириб, бу мамлакатларда тинчликка эришиш билан боғлиқ масалалар улар ташқи сиёсатининг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Германия ҳам кўпгина бошқа давлатлар сингари ўз ташқи сиёсатида ҳарбий ҳаракатлар ва можароларни тинч йўл билан бартараф қилиш йўлини изчиллик билан давом эттириб келмоқда.

Учинчидан, халқаро муносабатларда рўй бераётган айрим нохуш ҳолатлар, зиддиятли вазиятлар ва қарама-қаршиликлар ҳам давлатлар ташқи сиёсатида кўп жиҳатдан боғлиқдир. Айрим ҳолларда халқаро муносабатларда келиб чиқадиган у ёки бу муаммони ҳал қилишда давлатлар манфаатлари бир-бирига зид келиши мумкин. Бундай шароитда мавжуд муаммоларни ҳал қилишда давлатларнинг ташқи сиёсатида хос бўлган субъектив ёндошишлар устунлик қилиб қолади. Бунинг оқибатида халқаро муносабатларда салбий ҳолатлар келиб чиқиши мумкин.

Ҳар бир давлат халқаро муносабатларда келиб чиқадиган ана шу салбий ҳолатларни бартараф қилишда ўз ташқи сиёсатини халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда амалга ошириши, кўпчилик давлатлар томонидан эътироф этилган ташқи сиёсат принциплари талабларига риоя қилиши зарур. Халқаро муносабатлар тарихидан маълумки, бундай ҳолатларда келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этишда бир томонлама ёндошиш ҳеч қачон ижобий натижага олиб келмаган, халқаро муносабатларнинг ривожланиши бирон-бир давлатга устунлик бермайди.

Ҳар бир давлат ўз ташқи сиёсатини амалга оширадиган махсус орган Ташқи ишлар вазирлигига эга. Бу вазирлик ўзининг кўп сонли мутахассис ва ташкилотчи кадрлари орқали давлат ташқи сиёсатида фаолият юритади. Бу вазирлик вазифалари хилма-хил бўлиб, уларни самарали ҳал қилиб бориш ҳар бир давлатнинг халқаро майдондаги нуфуз ва обрў-эътиборининг ошиб

боришига сабаб бўлади.

Давлатлараро халқаро муносабатлардаги долзарб муаммоларни ечиш халқаро аҳамиятга эга бўлган сиёсий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши албатта давлатлараро ташқи сиёсат орқали амалга оширилади. Айрим давлатлар томонидан икки томонлама ёки кўп томонлама имзоланадиган ҳужжатлар: шартномалар, декларациялар, меморандумлар, баёноتلар ва бошқа турдаги сиёсий ҳужжатлар ҳамда уларда белгиланган сиёсий-ҳуқуқий нормаларга амал қилиш давлатлар ташқи сиёсатининг асосий жиҳатидир.⁷

Ҳозирги босқичда давлатлар ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири тинчлик ва хавфсизлик ҳамда терроризмга қарши курашдан иборат.

Ҳар бир давлат ўз миллий хавфсизлигини таъминлашга интилиши, аввало унинг ички сиёсати орқали намоён бўлади ва у ташқи сиёсатда акс этади. Бу ўз навбатида, тинчлик учун кураш хавфсизлик учун кураш билан бир эканлигини ифода қилади ва шу асосда давлатлар сиёсатига асос бўлиб хизмат қилади.

Аввало, ички сиёсат кучлар фаолиятига боғлиқ. Ички сиёсатнинг самарадорлиги сиёсий ҳокимиятнинг қандай кучлар томонидан амалга оширилиши билан белгиланади. Ички сиёсат – муайян шароитда синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Давлатлар томонидан ишлаб чиқиладиган ички ва ташқи сиёсат диалектик қонуният асосида шаклланади ва ривожланади. Уларнинг умумий алоқадорлиги қуйидагилардан иборат:

Сиёсатнинг қандай кучлар томонидан ишлаб чиқилиши барча давлатларга хос хусусиятдир.

Ички ва ташқи сиёсат маълум бир мақсадга қаратилган бўлади.

⁷ Филитов А.М. Германский вопрос: от раскола к объединению: Новой прочтение – М: 1993, ст.117-118

Умумий қоидаларга асосланади.

Давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатига хос бўлган алоҳидаликнинг моҳияти қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

Ички ва ташқи сиёсат мамлакатда тарихий, миллий хусусиятларни акс эттиради.

Мамлакатларда фаолият кўрсатувчи сиёсий кучлар ҳар хил синфлар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини акс эттиради.

Ички ва ташқи сиёсат шу мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлади.

Тинчлик ва хавфсизлик масаласи сиёсий масала бўлганлиги учун ҳам у давлатлар ташқи сиёсати орқали моддийлашади. Бинобарин, ҳар бир давлат ўз ташқи сиёсати орқали тинчлик учун амалий фаолият олиб боради ва бошқа давлатларни унга даъват этади.

Тинчлик ва хавфсизлик учун кураш ҳозирги энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Дунёнинг айрим минтақаларида тинч вазиятнинг бузилиб туриши, ҳарбий ҳаракатларнинг рўй бериши, ҳарбий курол-яроғлар ишлаб чиқариш ва ҳарбий харажатларни кўпайтиришга интилиш сингари ҳолатлар тинчлик ва хавфсизликка доимий равишда хавф солиб туради. Шунинг учун ҳам тинчлик ва хавфсизлик учун курашдан манфаатдор бўлган ҳар бир давлат бу йўлни ўз ташқи сиёсатининг асосий йўналиши қилиб белгилаб олмоқда. Ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан бири тинчлик ва хавфсизлик учун курашда ягона давлат сиёсати бўлишидан иборат.

Давлатлар ташқи сиёсатининг асосий ва муҳим йўналишларидан яна бири умумбашарий муаммоларни биргаликда ҳал этишда давлат сиёсатининг зарурлиги. Бу сиёсат орқали давлатлар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларни ҳал қилишда фаол иштирок этиши мумкин.

Умумбашарий муаммолар қайси мамлакат ҳудудида келиб чиққан бўлишига қарамай, уларнинг зарарли оқибатлари барча давлатлар сиёсатида чуқур англаб етилмоғи лозим. Давлат сиёсатида сансоларликка йўл қўйиб

бўлмагани сингари умумбашарий муаммоларни ҳал этишда ҳам ташқаридан томошабин бўлиб қолиш мумкин эмас. Бу умумбашарий муаммоларни ҳал қилишнинг объектив эҳтиёжларига тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам давлатлар ўз ташқи сиёсатида бу муаммоларнинг салбий оқибатларини чуқур англаб етиши ва уларни ҳал қилишда амалий ҳаракат қилиши лозим.⁸

Халқаро вазиятни соғломлаштириш учун кураш ҳам давлатлар ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Давлатлар ўз ташқи сиёсати орқали халқаро вазиятнинг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Бундай таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Агар ижобий таъсир халқаро вазиятнинг барқарор бўлишига олиб келса, салбий таъсир натижасида эса, халқаро вазиятда кескинлик ҳолатлари кучаяди, давлатлар ўртасида ишончсизлик келиб чиқади.

Давлатлар ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан яна бири давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш ва уни янада такомиллаштириб боришдан иборат. Давлатлараро муносабатлар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, илмий-техникавий, ҳарбий ҳамкорлик шаклларида иборат бўлиб, бундай ҳамкорликни йўлга қўйиш ва амалга ошириш ташқи сиёсатга боғлиқ бўлади. Халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳам ташқи сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, у давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва роли билан белгиланади.

Давлатлар томонидан олиб бориладиган ташқи сиёсатнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан давлатлар ташқи сиёсати соҳасида амал қиладиган тамойилларда, ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар олдидаги бурчи ва масъулиятида акс этади.

Ташқи сиёсат соҳасида амал қиладиган тамойиллар ҳам жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида амал қиладиган тамойиллар сингари бирон-бир давлат томонидан ишлаб чиқилмаган. Улар давлатлар ўртасидаги ўзаро

⁸ Дзелепи Э.К. Аденауэр. Легенда и действительность – М: 1960

муносабатларнинг ташкил топиш жараёнида бу муносабатларни самарали ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиққан. Шунинг учун ҳам давлатлар ташқи сиёсатида амал қиладиган тамойиллар мажбурий характерга эга эмас. Уларга амал қилмаслик эса, давлатларнинг халқаро майдонда яққаланиб қолишига сабаб бўлади.

Жаҳон урушлари натижасида вужудга келган халқаро ҳолат, вазият муаммолари олдин Версаль шартномасида (1919 йил 28 июнь), кейинчалик олдин келишиб олинганига кўра, 1919 йилда ташкил этилган ва 1939 йилгача амал қилган Миллатлар Иттифоқи доирасида кўриб чиқилиб, халқаро ҳуқуқий ақидалар ва қоидалар шакллантирилган, иккинчи жаҳон урушигача амал қилиб келган эди.

Халқаро сиёсий муносабатларда ҳозирги кунда амал қилаётган халқаро ҳуқуқнинг асосий қоидалари 1945 йил 24 октябрда ташкил этилган БМТ Низомида ўз ифодасини топган. Унда давлат мустақиллигини ҳурмат қилиш, тинч-тотув яшашга риоя қилиш, ўзига юклатилган бурч ва вазифаларни оғишмай бажариш, низо-можароларни тинч, сиёсий музокара йўли билан ҳал қилиш, бир-бирига нисбатан куч ишлатмаслик, ички ишларига аралашмаслик каби қоидалар белгилаб берилган.

БМТ томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги асосий ҳужжатларни давлатлар ўз қонунлари руҳига сингдиришган:

«Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси» (1948 йил 10 декабрда қабул қилинган)⁹.

«Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт» (1996 йил 19 декабрда қабул қилинган).

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт» (1966 йил 19 декабрда қабул қилинган).

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактга факултатив Протокол» ва ҳ.к.

⁹ Инсон ҳуқуқлари. Тошкент: «Ўзбекистон», 1997, 183 – 233-бетлар.

Давлатларнинг ташқи сиёсатида кўпгина умумий томонлар борки, бу уларнинг жаҳон сиёсатининг долзарб муаммоларини ҳал қилишда ўз фаолиятларини мувофиқлаштиришни талаб этади. Бу объектив зарурият давлатларнинг ташқи сиёсати соҳасида амал қиладиган тамойилларнинг талабларидан келиб чиқади. Тенг ҳуқуқли асосларда ҳамкорлик қилиш, бир давлатнинг бошқасига ўз ҳукмини ўтказмаслиги, ички ишларига аралашмаслик, ғоявий мухолифликдан холи бўлиш, халқаро муносабатларга доир муаммоларни ҳал қилиш ишларида фаоллик кўрсатиш, ташқи сиёсат соҳасида ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ҳаракат қилиш ва бошқа шулар сингари кўплаб тамойиллар ҳозирги босқичда давлатлар ташқи сиёсатини белгилаб бермоқда. Бу тамойилларга оғишмай амал қилиш давлатлар ташқи сиёсатининг ишончли ва самарали бўлишига ёрдам беради.

Давлатлар ташқи сиёсатининг ишончли бўлишида ғоявий мухолифатликдан воз кечиш тамойилига амал қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ғоявий мухолифлик давлатларни бир-бирига яқинлаштириш эмас, балки уларни узоқлаштиришга, улар ўртасида душманлик кайфиятининг авж олишига сабаб бўлади.

1.2. Халқаро алоқаларда ташқи сиёсатнинг тутган ўрни.

Биз яшаётган ҳозирги даврнинг характерли хусусиятларидан бири халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиб боришидан иборат. Бу муносабатлар жаҳон тараққиётининг моҳиятини белгилаб бермоқда, халқлар ва давлатлар ўртасидаги хусусиятлар алоқаларнинг мазмунини ташкил этмоқда, давлатлараро ҳамкорликнинг ривожига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Халқаро сиёсий муносабатлар тараққиёти сиёсий фаолият натижаларига боғлиқ. Давлатларнинг вужудга келиши улар ўртасидаги муносабатларнинг шаклланишига ҳам сабаб бўлган. Бу объектив характерга эга. Ҳеч бир мамлакат жаҳон ҳамжамиятидан ажралган ҳолда ривожланиши мумкин эмас.

Халқаро сиёсий муносабатлар халқаро муносабатларнинг таркибий қисмидир. Бу муносабатлар давлатларнинг вужудга келиши ва улар ўртасидаги алоқаларнинг шаклланиши асосида рўй берган. Ўтмишда энг қадимги давлатлар: Миср, Вавилон, Эрон, Урарту, Юнонистон, Рим ва бошқа давлатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши шундай кечган.

Ҳамкорликнинг хилма-хил шакллари, хусусан, сиёсий ҳамкорлик муносабатлари сиёсат ва давлат арбобларининг қарашларида ўз аксини топган.

Сиёсий муносабатлар халқаро муносабатларнинг ўзига хос кўринишларидан биридир. Бу муносабатлар тўғрисида француз политологи Раймон Арон шундай ёзади: «Халқаро сиёсий муносабатлар, бу социал бирликлар ва институтлар (давлат, миллат, синф, социал қатлам ва гуруҳлар, дипломатик хизмат маҳкамаси) ўзаро алоқалари ва таъсир заминида шаклланувчи муносабатларнинг бир кўринишидир». ¹⁰ Унинг фикрича, иқтисодий, маданий ва социал муносабатлар ўз эволюциясининг маълум бир босқичида, яъни сиёсий тизим давлатчилик ва бошқарув системасининг барқарорлиги билан боғланган жойда ўз-ўзидан сиёсий тус олади. Демак,

¹⁰ Раймон. А. Основы геополитики. – М: Арктогея, 1997

халқаро сиёсий муносабатлар давлатлар, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг мамлакатлар ўртасида олиб борадиган фаолиятидир.

Узоқ йиллар давомида халқаро сиёсий муносабатлар масаласига синфийлик асосида ёндошиб келинди. Бу йилларда мазкур масалага ғоявий тус берилиб, давлатлар ва мамлакатлар ўртасидаги икки хил тузум ўзаро муносабатлар сифатида таърифлаб келинди.

Ҳозирги кунда халқаро муносабатларда ҳарбий, сиёсий ихтилофларга йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инсоният тақдири, жаҳон цивилизацияси тақдири хавфсизликнинг қай даражада таъминланганлиги билан боғлиқдир. Шу сабабли ҳам жаҳон уруши хавфининг олдини олиш, қуролланиш пойгасининг тўхтатилишига қаратилган чора ва тадбирларни амалга ошириш давлатлар ўртасидаги муносабатларда муҳим ўрин эгаллайди. Эндиликда жаҳон жамоатчилиги ва халқлари ҳарбий устунликдан ҳеч ким ютмаслигини тушуниб етмоқда.¹¹

Халқаро сиёсий муносабатларда халқаро терроризмга қарши кураш зарурлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Терроризм XX асрнинг сўнгги ва XXI асрнинг бошларидаги энг мудҳиш ижтимоий-сиёсий ҳодисалардан бири бўлиб, халқаро муносабатларнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Терроризм давлатларнинг сиёсий тузуми, ривожланиш йўли ва тараққиёт даражасидан қатъий назар жаҳондаги барча давлатларни ўзаро келишувга, унга қарши мурасасиз кураш олиб боришга мажбур қилмоқда. Чунки, терроризм алоҳида олинган бир мамлакатнигина эмас, балки барча давлатлар ва халқларнинг умумий муаммосига айланиб бормоқда.

Терроризм айрим ёки бир гуруҳ кишилар томонидан у ёки бу давлатда ижтимоий-сиёсий тартибни бузишга, қўпоровчилик қилишга, шу ҳаракати

¹¹ Colin S. Gray. The Geopolitics of the Nuclear Era. N.Y, 1997.

билан халқларни кўрқитишга қаратилган ҳаракатдир.

Терроризмнинг кўринишлари турли хил бўлиб, улар ўз ичига сиёсий раҳбарларга суиқасд уюштириш ёки гаровга олиш, давлат тўнтаришини амалга ошириш, муҳим объектларни портлатиш, қўпоров ишларини амалга ошириш каби ҳаракатлар бўлиб, уларнинг барчаси халқаро муносабатлар соҳасида турли хилдаги зиддиятларни келтириб чиқармоқда. Масалан, 1995 йилда Исроил давлатининг бош вазири Исхоқ Рабининг ўлдирилиши Исроил билан кўпчилик араб давлатлари ўртасидаги муносабатларга кучли салбий таъсир кўрсатди. Шу сабабли ҳам Мисрнинг Аш-Шайх шаҳрида 1995 йилнинг май ойида ва 1999 йил 18–19 ноябрда ЕХХТнинг Истамбул саммитида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро кенгаш ўтказилди. Бу кенгашларда кўпчилик давлатларнинг Президентлари қатнашиб, улар терроризмнинг ҳар қандай кўринишига биргаликда кураш ҳар бир давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланиши зарурлиги, унга қарши кураш эса барча давлатларнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидлашди. Кенгашда терроризмга қарши курашнинг йўллари ишлаб чиқилди. Худди шундай ҳолат 2001 йил 11 сентябрида АҚШда террористлар томонидан амалга оширилган хуружлар муносабати билан ҳам юзага келди.¹²

Халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиши бу муносабатларда келиб чиқадиган турли хилдаги зиддиятларга ва уларни ҳал қилишга боғлиқдир. Бундай зиддиятлар халқаро сиёсий муносабатларда турли хил сабабларга кўра хилма-хил шароитларда рўй беради. Уларни келтириб чиқарадиган омиллар халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиш жараёнида, ўзига хос даражада намоён бўлади ва бу муносабатларга ўз таъсирини кўрсатади.

Зиддиятлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари халқаро сиёсий муносабатларнинг ҳам ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

¹² Halford Mackinder "Geographical Pivot of History" in "Geographical Journal", 1904. Русский перевод в ж-ле "Элементы. Евразийское обозрение", 1996, №7, стр. 26-31.

Халқаро сиёсий муносабатларда келиб чиқадиган ҳар қандай зиддиятни ҳал қилишга алоҳида ёндошиш талаб этилади. Уларнинг ҳаммасини бир хилдаги усуллар ёки воситалар ёрдамида ҳал қилиш мумкин эмас. Шунингдек, бундай зиддиятлар ечимини топиш учун халқаро сиёсий муносабатларда иштирок этувчи барча субъектларнинг куч-ғайратини бирлаштириш талаб қилинди. Ҳолбуки, бундай субъектларнинг ҳар бири ўз манфаати ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд зиддиятларни бартараф этишда иштирок қилади. Бироқ шундай зиддиятлар бўладикки, уларда ифодаланган муаммоларнинг айримларини ҳал қилишда субъектларнинг фаолиятини, айниқса, давлатлар, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигини ташкил этиш талаб қилинади. Бундай ҳамкорлик, хусусан хавфсизлик соҳасида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этишда, минтақавий бартараф этиш учун курашда ниҳоятда зарурдир.

Халқаро сиёсий муносабатларда келиб чиқадиган зиддиятларни бирон-бир томоннинг фойдасига ҳал этишга уриниш бу муносабатларда кўплаб нохуш ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам давлатлар халқаро сиёсий муносабатларни ҳал этиш ишига бир томонлама ёндашувлардан воз кечган ҳолда ҳаракат қилиши зарур. Бу заруриятни Ислом Каримов қуйидагича таърифлаган эди «... халқаро муносабатларнинг ривожланиши ва унинг одамзод ҳаётига таъсири давлатлар ва халқлар ўртасида ўзаро бирлашишга интилишни кучайтирмоқда».

Халқаро ҳуқуқ - давлатлар ва халқаро муносабатларнинг бошқа субъектлари ўртасида олиб бориладиган сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ахлоқий соҳалардаги алоқаларнинг қонун ва қоидалари мажмуидир.

1945 йили БМТ ташкил топди. Унинг Низомида янги даврда мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туришда муҳим аҳамиятга эга бўлган халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди.

Халқаро сиёсий муносабатларда вужудга келган можароли муаммоларни

халқаро ҳуқуқ, қонун-қоидалари негизида тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида Халқаро Суд фаолият кўрсатади. (Масалан, хунрезлик ишларини олиб борган Югославия Президенти Славада Милошевич ана шу Гагадаги Халқаро суд томонидан тергов қилинди).

Халқаро сиёсий муносабатларда амал қилинадиган тамойиллар, БМТ Устави ва бошқа ҳужжатларда халқаро сиёсий муносабатларда амал қилинадиган тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- 1) давлатларнинг суверен тенглигини ҳурмат қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- 2) тинч-тотув яшаш сиёсатига оғишмай амал қилиш;
- 3) халқаро келишмовчиликларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш;
- 4) давлатлар чегараларининг дахлсизлиги ва ҳудудининг бир бутунлигини тан олиш;
- 5) инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;
- 6) миллатлар ва элатларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш;
- 7) халқаро мажбуриятларга виждонан амал қилиш.¹³

БМТ нинг 1970 йилда қабул қилинган Декларациясига асосан суверен тенглик тушунчаси қуйидаги талабларни ўзида ифода этади:

- а) давлатларнинг юридик жиҳатдан тенглиги;
- б) бир давлат бошқасини ҳамкорликнинг субъекти сифатида ҳурмат қилиши;
- в) ҳар бир мамлакатнинг сиёсий мустақиллигини, ҳудудининг бир бутунлигини тан олиш;
- г) ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожини ўзи белгилаши.
- д) ҳар бир давлат ўзининг халқаро мажбуриятларини сўзсиз бажариши ва бошқалар.

¹³ Павлов Н. Внешняя политика: “Новый Германский путь”, Мировая экономика и международные отношения, 2006 - №2 – с.63

Жаҳон ижтимоий-сиёсий ҳаётида халқаро ташкилотларнинг вужудга келиши ва унинг турларига ҳам шу ўринда назар ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Халқаро ташкилотлар деб, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маданий ва илмий-техник асосларда умумий мақсадларга эришиш учун давлатлар, миллий жамият уюшмалари бирлашувларидан ташкил топган ташкилотларга айтилади. Бу давлатлар ўртасидаги кўп томонлама алоқа қилишнинг энг муҳим кўринишларидан биридир.

Халқаро ташкилотлар тузишга бўлган уринишлар қадим замонларга бориб тақалади. Лекин ҳозирги замонавий халқаро ташкилотлар XIX асрнинг иккинчи ярмида шакллана бошлаган. Давр давлатлар ва халқлар ўртасида иқтисодий, хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда ҳар хил мазмун ва мақсадларга бўйсундирилган 2,5 мингдан ортиқ халқаро ташкилотлар мавжуд. Бу халқаро ташкилотлар 2 та катта гуруҳга ажратилади:

1) Давлатлараро халқаро ташкилотлар (фақат давлатлар аъзо бўлиши мумкин).

2) Нохукумат характериға эға бўлган халқаро ташкилотлар (буларға миллий уюшмалар, жамиятлар, нохукумат характеридаги бирлашмалар, ҳатто айрим шахслар ҳам аъзо бўлишлари мумкин).

Халқаро ташкилотлар аъзоларининг сони ва таркибига қараб иккиға бўлинади:

1. Умумий (универсал) типдаги халқаро ташкилотлар (турли социал-сиёсий тузумдаги давлатлар иштирок этади).

2. Бир хил типдаги (регионал, субрегионал) халқаро ташкилотлар.

Бу халқаро ташкилотлар халқаро муносабатларда ҳамкорлик қилишларига қараб ҳам фарқланади: Масалан, тинчлик ва хавфсизлик, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларға тааллуқли масалалар билан

шуғулланадиган ташкилотлар.

Бундан ташқари алоҳида вазифаларни бажарувчи халқаро ташкилотлар ҳам мавжуд. Масалан, илмий-техник, маданий, таълим, транспорт, алоқа, соғлиқни сақлаш ва бошқа масалалар билан шуғулланувчи ташкилотлар.

Барча турдаги халқаро ташкилотларнинг ўз устави бўлади. Бу устав халқаро шартнома кўринишига эгадир. Устав халқаро ташкилот аъзолари учун қонун вазифасини ўтайди. Унда уларнинг мақсади, тамойиллари, тузилиши ва фаолият усулини белгилаб беради. Унинг қоидалари ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг принципи ва нормаларига зид келмаслиги шарт.¹⁴

Халқаро ташкилотларнинг ички тузилиши турли-туман бўлишига қарамай уларнинг кўпчилиги учун бир хил бўлган умумий белгилари бўлади. Масалан, деярли ҳамма халқаро ташкилотларнинг олий органи умуммажлис (конференция)дир. Бу мажлис ҳар хил муддатда ёки бир неча йилда бир марта чақирилиши мумкин. Бу олий органнинг вазифасига: таъсис Уставини қабул қилиш, ўзгартириш, қўшимча киритиш, янги аъзоларни қабул қилиш, аъзолик бадаллари миқдорини белгилаш, бюджет қабул қилиш ва бошқалар киради. Конференциялар оралиғида халқаро ташкилотларнинг фаолиятини ижроия Совети (ижро этувчи комиссия, президиум ва бошқалар) бошқариб туради.

Одатда ҳар бир халқаро ташкилотларнинг Бош котиб (директор) раҳбарлигидаги доимий котибияти мавжуд бўлади. Бундан ташқари консулътатив характердаги бошқа ёрдамчи қўмиталар барпо этилади. Масалан, турли комиссиялар, қўмиталар, ишчи группалари, кенгашлар ва шунга ўхшашлар.

Халқаро ташкилотлар турли қарорлар, таклифлар ишлаб чиқадилар. Лекин айрим халқаро ташкилотлар қарорлари тавсияномалар шаклида бўлиб,

¹⁴ Carl Schmitt "Die planetarische Spannung zwischen Ost und West", 1959 in "Schmittiana-- III" von prof. Piet Tommissen, Brussel, 1991; по-русски см. Карл Шмитт "Планетарная напряженность между Востоком и Западом" в "Элементы", 1997, № 8.

бу тавсиялар юридик жиҳатдан бажарилиши шартлиги унинг ҳамма аъзолари учун ҳисобланмайди. Фақат айрим давлатлараро ташкилотларгина мажбурий характердаги қарорлар қабул қилишга ҳақлидирлар. Масалан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ҳақидаги резолюциялари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг санитария регламентлари барча давлатлар, биринчи навбатда уларга аъзо бўлган давлатлар учун бажарилиши шарт ҳисобланади.

Кўпгина ноҳукумат характериға эга бўлган ташкилотлар БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кабилар қошида консультатив статусға эгадирлар. Консультатив муносабатлар ноҳукумат характеридаги бундай халқаро ташкилотларға давлатлараро халқаро ташкилотларнинг ишида қатнашиш учун айрим ҳуқуқларни беради. Масалан, улар айрим органларининг кун тартибига қўшимчалар киритиш, оғзаки арзномалар билан чиқиш, ўз компетенциялари доирасидаги айрим масалалар юзасидан махсус тадқиқотлар ўтказиб, шу асосда ҳужжатлар тайёрлаш, у ёки бу органларнинг мажлисларига, шунингдек шу давлатлараро ташкилотнинг чақирилаётган халқаро конференциясига ўз вакилларини юбориш ҳуқуқлари берилади.

Ҳозирги кунда жаҳонда юздан ортиқ халқаро ташкилотлар бўлиб, улар ўзларининг ташкил топиш тарихи, мақсади, хусусияти, вазифалари, тузилиши ва фаолиятининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Уларнинг жаҳон ривожланишида тутган ўрни ҳам турлича. Халқаро ташкилотлар ўзининг оммавий характери, илмий хусусияти, тараққиёт даражаси, мақсадлари, вазифалари ва халқаро муносабатлардаги ўрнига қараб бир неча турга ажралади:

1. Ихтисослашган халқаро ташкилотлар: БМТнинг ЮНЕСКО бўлими, БМТнинг ФАО (Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича) бўлими, БМТнинг ЮНИДО (Саноат тараққиёт дастури), ЖССТ (БМТнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти), БМТнинг Космик комитети, БМТнинг Парламентлараро

халқаро ташкилоти, ЕХХТнинг Парламентлар Ассамблеяси, ЮНИСЕФ – БМТнинг Болалар муаммоси билан шуғулланувчи комитети, МАГАТЕ, ХВФ, ВОИС - БМТнинг Бутунжаҳон Маънавий Мулк Ташкилоти ва ҳоказо.

2. Регионал (минтақавий) халқаро ташкилотлар: АДИ, Америка Давлатлари Ташкилоти, Африка Бирлиги Ташкилоти, Осиё ва Африка Бирлиги Ташкилоти, Жанубий-Шарқий Осиё Давлатлари Уюшмаси, Болтиқ Денгизи Кенгаши, Ҳинд океани уюшмаси ва ҳ.к.

3. Иқтисодий халқаро ташкилотлар: Европа Иқтисодий Ҳамкорлиги, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилоти, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё Бирлашган Иқтисодий Тараққиёти юзасидан «Поломбо плани», Марказий Америка Умумий бозори, Халқаро Энергетика Агентлиги, Осиё давлатлари Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Жаҳон Интеллектуал мулки ташкилоти, Осиё Ривожланиш банки, ЭКОСОС, МДҲ ва ҳ.к.

4. Ҳарбий-сиёсий халқаро ташкилотлар: НАТО, АНЗЮС, СЕАТО, СЕНТО, ғарбий Европа Иттифоқи ва ҳоказо.

Ҳозирги жаҳон тараққиётида халқаро муносабатларни демократлаштириш энг муҳим масалалардан саналади.

Халқаро сиёсий муносабатларда иштирок этаётган ҳар бир давлат, у катта ёки кичиклигига қарамай, ўзи танлаган йўлдан ривожланишга ҳақлидир. Турли сиёсий тузумдаги давлатлар бирга яшар экан, бир-бирларининг танлаган йўлини ҳурмат қилиши ва у билан ҳамкорликда яшашга интилиши зарур, акс ҳолда улар ўртасидаги ўзаро муносабатларда турли хилдаги қарама-қаршиликлар келиб чиқиши шубҳасиздир.

Ҳозирги даврда мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар, гарчи бирмунча барқарорлашган бўлса-да, бироқ у ҳамон чигаллигича қолмоқда. Бу чигаллик барча давлатлар ва халқларни ташвишга солмоқда. Шу туфайли ҳам халқаро муносабатларни соғломлаштиришнинг турли хил йўллари ишлаб чиқишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, кейинги йилларда «кенг камровли хавфсизлик», «кучлар нисбатидан манфаатлар нисбатига ўтиш»,

«жаҳондаги можаролар ва кооператив муносабатларни мувофиқлаштиришда дипломатик маҳорат» тўғрисидаги турли хил концепциялар ишлаб чиқилмоқда ва уларда халқаро сиёсий муносабатларни барқарорлаштиришга доир турли фикрлар илгари сурилмоқда.

Халқаро сиёсий муносабатларни барқарорлаштиришнинг энг муҳим йўли халқаро муносабатларни демократик асосларда қайта қуришдир. Давлатлар ўртасидаги муносабатлар шу қадар мураккаб ва зиддиятлики, унинг тақдирини бир-икки ёки бир гуруҳ кучли давлатлар ихтиёрига топшириб қўйиш мумкин эмас. Бунда кўпчилик давлатларнинг биргаликдаги ҳаракати муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги халқаро сиёсий муносабатларда иштирок этаётган барча давлатларнинг БМТ ҳужжатларида ишлаб чиқилган умумий қоидаларига оғишмай амал қилиши мамлакатлар ва халқларнинг демократик йўлдан ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳозирги дунёнинг ўзаро боғлиқлиги, бир бутунлиги халқлар ва давлатлар ўртасидаги халқаро алоқаларга демократик тарзда амал қилинишини тақозо этади. Янгича демократик дунёқараш ҳозирги вақтда умуминсоний қадриятлар ва манфаатларни қарор топтириш учун давлатлар ҳамкорлиги ғоясини илгари сурмоқда.

Умуминсоний қадриятлар ва манфаатларнинг синфий, миллий, давлатлар манфаатларидан устунлигини эътироф этиш мамлакатлар ўртасидаги янгича демократик вазиятни вужудга келтиради.

Халқаро муносабатларни соғломлаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Кейинги йилларда бир қанча қуйидаги концепциялар ишлаб чиқилди: 1) «минг қамровли хавфсизлик»; 2) «кучлар нисбатидан манфаатлар нисбатига ўтиш»; 3) «жаҳондаги можаролар ва кооператив муносабатларни мувофиқлаштиришда дипломатик маҳорат» тўғрисидаги концепциялар шулар жумласидандир. Улар сиёсий муносабатларни барқарорлаштиришнинг турли йўллари илгари

сурмоқда.¹⁵

Халқаро сиёсий муносабатларни барқарорлаштиришнинг энг муҳим йўли:

1. Халқаро муносабатларни демократик асосда қайта қуришдир. Бунини бир ёки икки давлат иштирокида ҳал қилиб бўлмайди. Бунда кўпчилик давлатларнинг ҳаракати зарур бўлади.

2. Зиддиятларнинг келиб чиқиши: а) ҳозирги тарихий босқичнинг қарама-қаршиликларидан келиб чиқса; б) сиёсий муносабатларнинг хусусиятлари билан боғлиқ.

Европада коммунисттик тартиб барҳам топди. Варшава Шартномаси тугатилди. Собиқ СССР мустақил давлатларга бўлиниб кетди. Шунга қарамай ҳозирги вақтда муҳим қийинчиликлар мавжуд. Давлатлар ўртасидаги ташқи муносабатлар ички муносабатларга таъсир қилади. Бу давлатларнинг турли босқичларда ривожланаётганлиги ва сиёсати билан боғлиқ. Эндиликда БМТ ишлаб чиққан демократик принципларига оғишмай амал қилишни давр тақозо этмоқда.

¹⁵ Carl Schmitt "Das Begriff des Politischen", Berlin-Grunewald, 1928; по-русски Карл Шмитт "Понятие политического" в "Вопросы Социологии", Москва, 1992, том 1, №1

II боб. Европа Иттифоқининг мақсад ва вазифалари

2.1. Германия ва Европа Иттифоқи ҳамкорлик босқичлари

Европа Иттифоқи бугунги кунда аниқ, геосиёсий ва иқтисодий тамойилларга амал қилувчи, ўз манфаатлари ва обрўсига эга қудратли иттифоққа айланган. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида Европа Иттифоқи ҳар томонлама жадал ривожланди ва АҚШ, Россия, Хитой, Япония сингари етакчи мамлакатларга ҳам таъсир эта олувчи ўзига хос ҳамжамият даражасига кўтарилди. Бугунги кунга келиб, Европа Иттифоқи қитъанинг шарқига томон жуда тез кенгаймоқда. Ҳатто яқин-яқингача Россия таъсири остида бўлган Украина ва Грузия каби давлатлар ҳам иттифоққа аъзо бўлиш ниятини яширишмаяпти. Сабаби Европа Иттифоқи ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан ривожланишда давом этмоқда. Европанинг сиёсий манфаатлари кўп ҳолларда АҚШ ва Россия манфаатларига тўқнаш келишини кузатиш мумкин. Масалан, Россия ҳозирда Иттифоқдаги кўплаб давлатларни газ билан таъминлайди ва Европа Россия билан доимий яхши муносабатларни сақлаб туришдан манфаатдор. Лекин сўнгги пайтларда Россия Англия билан дипломатик алоқаларни қисқартирди. Россия ва Англия муносабатларидаги совуқчилик ва бундай кескинликка ким сабаб бўлгани ҳақида узоқ баҳслашиш мумкин. Лекин шуни тан олиш жоизки, Россия ва Англия қарама-қаршилиги Европа Иттифоқи геополитик манфаатларига путур етказиши аниқ. Чунки Англия Россия элчихоналарини ёпаётган бир пайтда, Франция, Германия, Италия каби давлатлар Россия билан алоқаларни мустахкамлаш йўлидан бормоқда. Бу эса Европа Иттифоқидаги ички зиддиятларни кучайтириб, ўзига хос “шаффоф” сиёсат ва иқтисодга эришиш йўлидаги режаларни барбод бўлишига олиб келиши мумкин.¹⁶

Европа Иттифоқи ва АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг қанчалик мураккаб экани Американинг Ироққа қарши олиб борган урушининг дастлабки босқичида яққол кўринди. Терроризм ва тоталитар Ироқ

¹⁶ Ягоднов П. Политика нового канцлера// Немечкая волна, 11.2.2007

сиёсатига қарши Ж.Буш билан бирга жангга кирган Европа давлатлари дастлаб тўғри йўлни танлагандай эдилар. Аммо Ироқ компанияси боши берк кўчага кириб қолиб, Боғдодда АҚШ денгиз пиёдалари қаторида европалик контингент аскарлари ҳам халок бўла бошлагач, бир қатор кўҳна қитъа давлатлари иттифоқ парламенти қарорини кутиб ўтирмай, ўз аскарларини Ироқдан олиб кета бошладилар. Охир оқибат доим Америка томонида бўлган Буюк Британия ҳам Ироқ компаниясидан чиқиб, АҚШни ёлғиз қолдиришга мажбур бўлди.

Бугунги кунда АҚШ ва Россия муносабатларидаги совуқчилик Европа Иттифоқини яна тушунурсиз ахволга солиб қўйди. АҚШнинг Ракета хужумига қарши химоя тизимини дастлаб кўкларга кўтариб мақтаган ва мўмай фойда эвазига уни ўз худудида ўрнатишга бажонидил рози бўлган европалик сиёсатчилар энди Россиянинг газни ўчириш баҳонасидаги кўрқитишларидан кейин нима қилишни билмай қолишди. Орада Польша ва Чехия каби давлатларнинг сарсон бўлгани қолди. Европа Иттифоқининг тарихини ўрганиб, унинг тамойилларини тушуниш натижасида шу нарса аён бўлдики, Европа Иттифоқи келишувчанлик ва юридик нормаларга асосланган аниқ тизимдан иборат.¹⁷

Давлатлар орасидаги ҳар қандай муносабатларни шу давлатларнинг ўзлари Ҳамжамият орқали бошқаришади. Бу ташкилот инсоний жамият ривожининг янги бир босқичини белгилаб берди. Давлатларнинг кейин эса давлатлар тизимининг пайдо бўлиши ва улар томонидан нафақат бир ёқлама балки ўзаро алоқаларнинг ривожланиши халқаро ҳуқуқ ва Европа Иттифоқининг пайдо бўлишига олиб келди. Европа Иттифоқида ҳар бири ўз суверенитетига эга давлатлар манфаати асосий ҳисобланади. Давлатлар ўзаро келишувлар йўли билан халқаро ҳуқуқ нормаларини тузиб, турли ҳукуматлараро ташкилотларни бунёд этишади. Халқаро системанинг бир

¹⁷ Шевченко И. Теория и практика построения социального рыночного хозяйства России – М., 2007, с-122-127

меъёردа ишлаши ҳам айнан давлатларга боғлиқ. Ташкил этилган Ҳамжамият орқали сиёсий, иқтисодий, илмий-техник ва маданий муносабатлар изга солинади. Европа Иттифоқининг мавжудлиги халқаро муаммоларни ечишда маълум кафолатлар беради. Европа Иттифоқи доим таркибидаги суверен давлатларнинг мустақил манфаат ва ҳуқуқларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритади.

У ёки бу масалаларни ҳал қилишда томонлар барча иштирокчиларнинг қонуний манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, тенглик ва адолат нормаларига амал қилган ҳолда керакли қарорларни қабул қилишлари кўзда тутилган. Умуман, инсоният ривожининг энг катта ўзига хослиги техника тараққиёти, ҳамма халқларнинг ижтимоий ва маданий ҳаётини доимий равишда ривожлантириб боришдан иборатдир. Айнан шунинг учун халқаро алоқаларга доим катта аҳамият берилади. Европа Иттифоқи ўз фаолияти давомида халқаро муаммоларни халқаро ташкилотларни тузиб, қурол-яроқсиз ҳам ҳал этиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Европа Иттифоқининг дунё миқёсида катта сиёсий кучга айланиши унинг таркибидаги давлатларнинг халқаро муносабатлардаги қарама-қаршиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш имкониятини оширди. Сиёсатчилар: “Европа Иттифоқининг ташкил этилиши глобаллашув жараёнини янада тезлаштириб, халқлар яқинлашувининг рамзига айланди”, - дея эътироф этишлари бежиз эмас. Бугунги кунда халқларни қийнаётган табиий ва технологик муаммоларни давлатлараро кенгаш ва алоқалар йўли билан ҳал қилиш яхши халқаро анъанага айланди.

Европа Иттифоқи мисолида биз Ғарбий Европанинг 15 та давлатининг ҳудудий, ижтимоий ва иқтисодий ҳамдўстлигини кўрдик. Бу давлатлар: Франция, Германия, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Буюк Британия, Дания, Ирландия, Греция, Испания, Португалия, Швеция, Финляндия ва Австрия.

Европа Иттифоқининг расман эълон қилинган мақсадлари

қуйидагилардан иборат:

1.Қатнашчи давлатлар ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатларида мавжуд ҳамма чекловларни секин-аста йўқотиш.

2.Бошқа давлатлар билан ҳам савдо алоқаларида умумий божхона тарихини жорий этишга уриниш.

3.Одамлар, капитал ва хизматларнинг эркин ҳаракатланишига таъсир қилувчи тўсиқларни йўқотиш.

4.Транспорт,халқ хўжалиги, солиқ,қонунчилик,сиёсат соҳасида умумий йўналишларни топиш.

Германиянинг бирлашув жараёни Европа мамлакатларининг интеграциялашувига, яъни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ўзаро уйғун тарзда ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Интеграциялашув модели шаклланиб, унинг ривожлантириш тенденцияларини яратиш учун имконият туғилди. Европа Иттифоқининг юзага келиши, айти пайтдагидек куч-қудратга, ўзининг таъсир доирасига эга бўлиши учун ушбу ҳолат калит, яъни очқич вазифасини ўтади. Шу ўринда савол туғилади: Хўш, йигирма биринчи асрда Германия Федератив Республикасининг ташқи сиёсий вазияти, позицияси қандай бўлади? Далат ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, шунинг баробарида йирик державалар сафида ҳам ўзи учун “нон борлиги”ни кўрсатиб қўйиш учун қандай фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқ? Янги Германия янги дунё тузилиши қаршисида ҳал қилувчи кучга эга бўлган бирор ўринни эгаллай оладими?

Бу саволларга жавоб бериш учун албатта бир қатор мутахассислар фикри, мулоҳазалари билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Француз политологи Энн Мери Ле Глоанек Эберт фонди томонидан мунтазам чоп этилиб бориладиган “International politik und gesellschaft” журналада “Совуқ урушдан кейинги Германия ташқи сиёсати: Ўйтиборга сазовор фаолият” мақоласи билан иштирок этиб, бу ҳақдаги ўз қарашларини ўртага ташлайди. Албатта бу қарашлар айнан хориж вакилининг бир томондан қараганда

холисона муносабатларини ифода этганлиги билан диққатга сазовор. Жаноб Глоанек Германия бирлашувидан сўнг кўпчилик шарҳловчилар тили билан айтилган мамлакат ташқи сиёсати аввалги айро фаолиятга қараганда янгиланганлиги, иқтисодий ўсиш, мавқеан бир қатор державалар билан бемалол куч синаша олиш салоҳиятига эга бўлганлигини эслатади. Шунга қарамай Германия ташқи сиёсатдаги имкониятларини кескин бурилишлар, ўзгаришлар қилишга сарфламаганлигини ҳам эътиборидан четда қолдирмайди. Чунки, кескинликдан Германия, немис халқи катта талофат кўриб улгурган, “сутдан оғзи куйган” эди. Биринчи жаҳон уруши, иккинчи жаҳон уруши бу мамлакатлар бошига кўп кулфатлар келтириши билан бирга, бутун жаҳон тинчлигига ҳам раҳна солган эди. Шу боис ҳам олиб борилган ўзаро музокаралар натижасида, Германия ислохотларни кескин амалга ошириш фикрини маъқулламади. Европа ва Атлантика тузилмаларидаги давлатлар интеграциялашув жараёнини кузатган экспертлар, Германия ислохотларни аста-секин, изчиллик билан олиб бориш кафолатини беришди. Бу жараёнда Ғарбий Германиянинг халқаро институтлар билан ўзаро уйғунликда шаклланган иқтисодий ва сиёсий маданияти ҳам ҳисобга олинапти. Европанинг кичик бир қисмидаги бирлашув кейинчалик катта бирлашувлар учун йўл очиб берганлигини айтиш ўринли. Тўғри, ушбу бирлашувлар айнан давлат, қонуний бир хиллик, бир хил чегара асосида юзага келмаган бўлсада, ўзаро ҳамкорлик, бир қутбли дунё, яъни АҚШ мисолидаги гегемонликка қарши иттифоқликни юзага келтирди. Шунингдек, Германиянинг айнан АҚШ билан ҳамкорлигини, бу ҳамкорлик аввалдан ғарбий Германия воситасида амалда бўлсада, янгича дўстликка асосланган ҳамкорликни таъминлади. Европа Иттифоқи ва НАТО мисолида ушбу ҳолатнинг бугунги кундаги фаолиятини кузатишимиз мумкин. Ушбу иттифок Германиянинг геополитик имкониятларини янада оширди. Нацистлар Германиясининг иккинчи жаҳон урушидаги мағлубиятидан сўнг мамлакат ғарбий институтларидаги интеграция орқали ўз мустақиллигини тиклаш учун

имконияти қолмаганди. Давлат раҳбарлари ушбу ҳолда бирор натижага эришишдан, яъни ташқи сиёсий курашларда муваффақият қозонишдан умидларини узиб бўлишганди.¹⁸ Европа ва атлантика тузилмаларидаги бирлашмаларга аъзолик туфайли ушбу мамлакат ўз кучини жидди мустаҳкамлади. Айниқса Германия иқтисодиёти тез орада ўзининг барқарор тизимларига эга бўла бошлаганди. У ишлаб чиқаришга катта эътибор бераётган, саноатлашган мамлакат сифатида Европа иқтисодининг ялпи ўринларини банд эта бошлади. Натижада Германияга бўлган қизиқиш, янада тушунарлироқ қилиб айтганда Германиянинг ташқи сиёсатидаги нуфузи ҳам ўсди. Бундан ташқари мамлакат қуролли кучларига бўлган эътибор ҳам давлат раҳбарларининг диққат марказида бўлди. Зеро, ташқи сиёсий вазиятларда сўз айта олиш имконияти исталган мамлакатнинг ҳарбий салоҳияти, замонавий қурол яроқларга, ҳарбий техника воситаларига эгаллиги билан ўлчанади. Замонавий Германия Федератив Республикасининг қуролли кучлари Европа қитъасидаги энг фойдали ва кўп сонлилиги билан аҳамият касб этди.

Ҳарбий Германиянинг кўҳна қитъадаги асосий ҳамкори АҚШ эканлиги, НАТОнинг фаол аъзоси сифатида ҳаракатланиши уни Ҳарбий Европадаги қувватли қўшнилари ва ССРдан ҳимояланишида асосий роль ўйнарди. Аста секинлик билан Европадаги катта-кичик давлатлар, АҚШ ва Франция, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги алоқаларда Ҳарбий блок билан интеграцион стратегик ҳамкорлик туфайли Ҳарбий Германия дипломатияси тобора катта вазифаларни зиммасига олган кўприкка айланиб борди.

1998 йилда Германия федератив республикаси ҳукуматига қизил-яшил коалиция Герхард Шридер ва Йошка Фишернинг келиши мобайнида мамлакат ташқи сиёсати бир қатор муаммолар қаршисида турар эди. Германия канцлери ва қизил-яшил коалиция лидери Шредер сўнгги эллик йилдаги мамлакатни державалар қаторида тан олиш мумкин бўлган немис

¹⁸ Павлов Н. Внешняя политика Берлинской республики, М. 2006 г. Ст. 82-91.

давлатининг биринчи раҳбаридир. Социал демократлар ва яшиллар коалицияси бошқаруви жараёнида бир томонлама қадамлар тенденциясида Германия федератив республикасининг ташқи сиёсий фаолияти янада кенгайди...¹⁹

Бу ерда бир томонда Германия Федератив Республикаси(ГФР) ҳукумати, федерал ерлар ва немис бизнеси ўртасидаги жиддий зиддиятлар, бошқа томондан Европа комиссияси, катта доирадаги социал-иқтисодий масалалар, интеграциялашув ва ташқи сиёсий акциялардаги иштироки, АҚШ билан Ироқдаги Иттифоқи хусусида гап кетяпти. Бу ўзгаришларга немис ташқи сиёсатидаги бир қатор факторларнинг амалда қўлланиши ёрдам берди. Биринчидан, 1990 йилларда шарқий ерлардаги моддий ва номоддий ресурсларнинг қисқарганлиги натижасида Германия ҳукумати ташқи сиёсий сферада ўз фаолиятини ҳимоялаш мақсадида катта куч сарфлашига тўғри келди. Натижада бу майдонда манфаатларини ҳимоя қилиш учун курашиш имкониятлари қисқарди. Германия бирлашувидан кейин унинг ташқи сиёсий стратегиясига “заиф гегемонлик” сифати тақалди. Бундан ташқари, ГФРнинг ташқи сиёсий аренада бутуневропа манфаатларини ҳимоя қилиш имконияти сезиларли даражада пасайди. Ҳатто, ГФР ўзининг миллий ва ҳудудий манфаатларига ҳам маълум вазиятларда “қўл силкиди”. Янги немис бошқарувининг амалда изчиллик билан жорий этилиши эса тез орада мамлакатнинг ташқи сиёсий нуфузини оширди. Ички сиёсий характердаги идрок ва янги шаклланган ташқи сиёсий йўналиш ГФР фаолиятига катта таъсир кўрсатди. Германия бирлашуви туфайли федерал ерлар сони кўпайди, шунингдек унда сиёсий, социал-иқтисодий, маданий турли туманлик асосида шаклланган ўзига хос дастур, аниқроғи ивожланиш дастурига хизмат қиладиган ташқи сиёсатчилар минтақада муҳим қарор ва ечимлари билан ташқи сиёсий фаолиятининг ўсишига ҳисса қўшмоқда. Оддийгина 1960-1980 йиллар билан солиштирганда унинг манфаатларини ҳимоя қиладиган

¹⁹ Россия очень недовольна// Эксперт. №7. 19 февраля 2007

гуруҳлар сони айни пайтда жуда катта қисмни ташкил қилади...

Бундан ташқари, Германия ишига европалик амалдорларнинг аралашуви аҳолининг нафратига, душманлик кайфиятининг туғилишига сабабчи бўлмоқда. Бу бежиз эмас албатта, Европа Иттифоқининг кенгайиши билан боғлиқ вазият унга тайёр бўлмаган аҳоли учун бир қатр қийинчиликларни юклади. Мамлакатдаги иқтисодий ресурсларининг камайиши ушбу кайфиятнинг оммавий тус олишига имкон берди. Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатларнинг йигирма бештага қадар кенгайиб бориши сабабли собиқ Европа интеграциясининг двигатели франк-герман альянсининг заифлашуви тенденциялари кўзга ташланди. Бу заифлашувга Ғарбий ва Шарқий Европадаги давлатларнинг Ироқдаги англо-америка босқинчилик сиёсатини қўллаб қувватлагани ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Айни пайтдаги АҚШ билан ўзаро узоқлашув, катта-кичик мамлакатлар, АҚШ ва Европа, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги немис дипломатиясининг ГФР ва Ғарбий Европа ўртасидаги воситачилик роли қийин амалга ошиши кўриниб қолди.

Чунки, бирлашган Германия фақатгина Европа қитъасидаги аҳволни яхшилаш учун куч сарфлаб, унинг тақдирини белгилай олиш қобилиятини ишга солибгина турли хил давлатлар ўртасидаги энг мақбул воситачилик ролини бажариши мумкин. Кильск халқоро алоқалар университети(ГФР) профессори Иоахим Крауз “The Washington Quarterly” журналида нашр қилинган “Кўп қутбли дунё: у европаликларга нима тақдим этади?” мақоласида бу масаладаги муаммоларга кўпчиликнинг эътиборини жалб қилади. Қизиқарли томони ушбу вазиятда Германиянинг юқорида эътироф этилган роли, ўрни, мавқеи катта ўрин тутибгина қолмай, янгича дунё тартибининг юзага келтирилишида бош роллардан бирини ўйнаши мумкинлиги ҳам илова қилинади.²⁰

Немис экспертлари фикрига кўра, Ироқдаги уруш нафақат Америка

²⁰ The Washington Quarterly, 2010th year, “About Germany’s politic process”.

маъмурияти, бошқа томондан Франция ва Германия ўртасидаги келишмовчиликларга сабаб бўлди, балки жамоатчилик, айниқса сиёсий элитанинг келажакдаги дунё қурилиши ҳақидаги қизғин баҳсларига сабабчи бўлди. Айни вақтда дунё ҳал қилувчи танлов, янги дунё тартибини кўп томонлама халқаро битимлар ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида ёки энг кучли держава АҚШ қиёфасида ягона етакчилик шаклида бошқариш масаласи Ғарбий Европа ва АҚШ шарҳловчиларини бир-бири билан кескин тўқнаш келишига сабабчи бўляпти. Бу баҳс эса дунёни янгича тартибга келтириш масаласини янада мураккаблаштирди. Бунинг асосий сабаби АҚШ ва Европада кўп қутбли дунё масаласига турлича ёндошув мавжуд. Европаликлар кўп қутбли дунёга нисбатан ўзларининг мойилликларини намоён қилишяпти. Кўпчилик давлатларнинг бир битимга келиши, ҳаммасидан олдин турли хил ўзига хос қарашлар ўзаро камчиликлари бартараф этишда янги услубларни жорий этиши баробарида, халқаро муаммоларни ҳал этишда энг самарали ҳисобланади. Кўп қутбли дунё ва кўп томонлама мулоқотлар воситасида юзага келадиган глобал муаммоларни бартараф этишда энг кам зарарли ва энг кўп фойдали ечимларни таклиф қилиш имкони туғилади. Ушбу ҳолда айнан муаммо юзага келган минтақага яқин “қўшнилар”нинг фаолияти ҳам кўпроқ натижа бериши инобатга олинади. Баъзи бир америкалик тадқиқотчилар ва сиёсатчилар ҳам ўзларининг сўзлари ва илмий ишларида кўп қутбли дунё демократиянинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини эътироф этишган. Профессор Краузнинг фикрича немис томонининг келажакдаги дунё тартиби тўғрисидаги фикрлари исталган халқаро битимларга нисбатан нотанқидий мойиллик кўрсатиши билан ажралиб туради. Бу кайфият совуқ урушга барҳам берилгандан кейин янада мустаҳкамланди. Европа Иттифоқининг кенгайиши ва мустаҳкамланиши Германия Федератив Республикасининг муваффақиятларидан бири бўлди. Шунингдек, илгариги ҳукмрон коалициянинг “Шарқий сиёсатчилар” номи билан тарихда қолган фаолияти

ҳам диққатга сазовор муваффақиятлардан бири бўлди. Куч қўллаш сиёсати ташқи сиёсатда энг шубҳали ва жиддий асосга эга бўлмаган услуб эканлиги сир эмас. Ўзидан кучсиз давлат ҳақ-ҳуқуқларини поймол этишнинг бундай кўриниши жуда катта талофотлари билан фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради. Куч қўллаш сиёсатининг бундай оқибатларга олиб келиши албатта бир томонлама гегемонликка асосланган дунёнинг муҳим камчиликларидан бири саналади. Ўзга томонлар билан музокаралар олиб бормаслик, маслаҳатлар, томонлар позициялари ва ҳолатларини ҳисобга олмаслик янги дунёнинг қарамликка асосланиши билан боғлиқ бўлиб, эркинликнинг ҳар қандай шаклига зид келади. Бу мулоҳаза эса ўз-ўзидан бир томонлама гегемонлик янги аср учун хавф туғдиришини кўрсатиб турибди. Баъзан, мутахассислар терроризм, наркосавдо, курол-яроғнинг оммавий тарқатилишига қарама-қарши курашда АҚШнинг фаолиятини юқори баҳолашади. Ягона гегемонликни оқлашга уринишади. Лекин бу очиқчасига кўп қутбли дунёнинг ҳамкорликдаги яққол кўриниб турган муваффақиятларини инкор этиш билан баробар бўлади. Халқаро ҳуқуқ ва музокаралар, ўзаро маслаҳатлашувларга асосланиб чора-тадбирлар қўллаш натижасида ГФР бугун Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда ва бошқа шаклда олиб бораётган сиёсатининг муаммолар ечимидаги асосий қуроли бўлаётгани сузимизнинг далилидир...

Германия ташқи сиёсий фаолиятига назар ташлар эканмиз ўз навбатида мамлакат манфаатига хизмат қилувчи ҳар қандай ҳолатда ўз сўзини айтишга эътибор бераётганига гувоҳ бўламиз. Масалан, Тунис ва Мисрда юз берган оммавий норозилик ҳолатларида ҳам Германиянинг ўзига хос ҳаракати эътиборимиздан четда қолмайди. “Dutchland” журнали Германиянинг ушбу вазиятга нисбатан муносабатини эътироф этаркан, ташқи кузатувчилар учун янгича мулоҳазаларни кашф этади.

“Демократияга ўтиш” номли мақолада “Тунисдан кейин Мисрда бошланди. Араб дунёсидаги кўпчилик инсонлар сиёсий ислохотларни талаб

килиб чиқишди”, дейилади. Германия Тунис ва Мисрдаги оммавий норозилик ва халқ ҳаракати воситасидаги демократик ўзгаришни қўллаб қувватлайди. Бир неча кунлар мобайнида ушбу мавзу немис ОАВ янгиликларида асосий ўрин тутди. Интернет орқали тўғридан-тўғри уланиш ва телевидениедаги фавқулодда чиқишлар Каиредаги Таҳрир майдонида ва Тунис кўчаларидаги намоишларга бағишланди. Ушбу мавзу матбуотнинг бир неча саҳифаларини банд этди. 2011 йилнинг биринчи ҳафтасида Миср ва Тунисда юз берган ушбу ҳолат кўпчилик немисларни тўлқинлантирди ва мамлакат бўйлаб сиёсий мавзуга оид муҳокамаларга сабабчи бўлди. Ҳудуддаги ёш авлод учун эркин сайловлар, сиёсий ва янада яхшироқ, профессионалликка асосланган ўзгаришлар уларни ҳамдардлик ва ғамхўрлик ҳислари сингиб кетган мулоҳазаларга ундади.²¹ Дунёдаги кўзғолонларда жамият қатламлари орасида иштирок этган, ёнма-ён турган кўплаб шарҳловчилар нуқтаи назарида янги араб тарихида юз берган воқеалар: эркинлик учқунларининг бутун ҳудуд бўйлаб алангаланиши дея эътироф этилди. Тунис ва Каиредаги оммавий норозиликлар авторитар режимни ағдарди. Айни пайтда иккала давлатларда ошкора сайловлар ва демократик тузилмалар учун йул очик бўлиши масаласи турибди. Германия Шимолий Африкадаги янги сиёсий ташаббусда ўзини ҳамкор деб ҳисоблаяпти. Халқаро ҳамжамят давлатлари ва Европа Иттифоқи билан биргаликда федерал ҳукумат барқарор сиёсий демократияга ўтиш ташкилотлари орқали Миср ва Тунисга ёрдам бериб турибди.

Ташқи ишлар федерал вазири мисрликлар ва тунисликлар ўзларининг келажакларини қуришлари кераклигини кайд этди. Шу билан биргаликда у шундай тушунча берди: «Европа билан бевосита қўшни бу мамлакатларда демократия оқимининг ўсганлигидан Германия ва Европа манфаатдор. Шу боис ҳам биз ўз ёрдамимизни таклиф этдик». Бу ерда гап Миср ва Тунисдаги «Ўтиш давридаги ҳамкорлик» ҳақида кетяпти. Германия демократик

²¹ Magazin-Dutchland, Berlin, 2010th year

партиялар тузишга ўз ҳиссасини қўшиш, давлат асослари, адлия тизимини замонавийлаштириш, ҳалол ва очиқ ойдин сайловларни йўлга қўйиш, фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш ва эркин фаолият, мустақил ОАВни ҳимоялашни истайди. Ташқи ишлар федерал вазири Вестервелли демократик трансформация(ўзгариш)ларни қўллаб қувватлаш ниятини 23-24 февралдаги Миср ташрифида маълум қилди.

«Бу жуда ҳаяжонли дақиқа», дея қайд этди Вестервелли аҳолининг катта оқими йиғилган Таҳрир майдонидаги нутқида. Унинг сўзларига кўра айни пайтда иқтисодий барқарорликка эришиш керак. Мисрликлар учун демократия ана шу иқтисодий барқарорлик таянчи бўлиб хизмат қилади.

11 февраль куни ташқи ишлар вазири расмий ташриф билан Тунисда бўлди. Ташрифи мобайнида сиёсат, иқтисод ва фуқаролик жамияти вакиллари билан учрашди. Вестервелле иқтисодий ҳамкорлик, масалан энергия ва таълим доирасидаги ҳамкорликни таклиф қилди. Тунисдан Европага қочоқлар оқими ортиб бораётгани сабабли Вестервелли Европа бозорларига ҳудуддан маҳсулотлар киритишни енгиллатиш ва иқтисодий инвестициялар ёрдами орқали Шимолий Африка мамлакатларидаги яшаш шароитини яхшилашни таъкидлади. Ахир, намоёнчиликлар уни сўзларига кўра кўчаларга нафақат «Демократия сари!» сингари шиорлар билан чиқишган, балки келгусида имкониятлар берилиши ва иш-фаолият юритиш имтиёзларини ҳам талаб қилиб чиқишган. Германия «ўтиш давридаги ҳамкорлик» қолипида Шимолий Африкадаги демократияни қўллаб қувватловчи фонд шакллантирди: яқин икки йил давомида бу фонд томонидан 3.25 евро сарфланди. Кўпгина ёшларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш мақсадида, ишга жойлашиш имкони йўқлиги сабабли Германия профессионал таълим учун яна 8 млн. евро сарфлади. Яна 20 млн. евро маҳаллий иқтисодиётга ижтимоий ёрдам шаклида ва ҳудуддаги бизнесни ривожлантириш учун сарфлашни кўзлаяпти. Шунингдек, талабалар ва ёшларни алмашиш кўзлаяпти.

Журналда навбати билан шарҳланган икки мамлакатдаги ҳолатга нисбатан шарҳ, алатга Германия ҳукумати томонининг манфаатларини кўзлаб берилганлиги шубҳасиз. Маълумотлар таҳлилига жиддий эътибор берган ҳар бир киши бунга амин бўлади. Ўз навбатида Германиянинг ташқи ишлардаги фаолиятида асосий қурол қилиб олган тамойиллари ҳам ушбу матнлар замирида ўз аксини топади. Мамлакатдаги демократик ислохотлар, аҳолининг иқтисодий ҳолати, ёшларни иш билан таъминлаш, келажакдаги тўкин ва профессионал шароитларга асосланган ҳаёт ва охириги нуқтада ўзаро ҳамкорлик...

Албатта эркин фаолиятга асосланган жамият ҳаёти қайсидир бир томонлама қараганда ривожланиш учун туртки бўлади, лекин бу даъватлар ниқобидаги йирик державаларнинг асл мақсадлари шу бўлса қани эди. Бу ердаги кескинлик, мамлакатнинг асрлар мобайнида шаклланган одатларини супуриб ташлаш масаласи, иқтисодий қарам давлат бўлиб қолиш, табиий бойликлардан ажралиш хавфи иккинчи планда яшириниб ётибди... сарфланган ҳар бир тийин учун миллионлар ўмариш ташқи сиёсатнинг асл муддаоларидан саналади. Лекин бизнинг мақсадимиз қайсидир бир давлатнинг юзини кўрсатиш эмас, балки дунёдаги ҳар бир вазиятда сергаклик билан қўллаган, қўллаётган услубларини таҳлил қилиш ҳисобланар экан мавзуга яна бошқа тарафдан нигоҳ ташлаймиз.

Германияга нисбатан “кеч қолган миллат” атамасининг қўлланиши биров тушунарсизроқ. Тўғри, 1871 йил Германия империяси ташкил этилган пайтда аксарият “қуёш тегадиган жойлар” эгалланиб бўлинган эди. Шунга қарамай миллат ўз кучи ва иродасини намоёниш этган ҳолда тезлик билан мамлакатни буюк державалар сафига олиб чиқишга эришди.

Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари эса ана шу миллатга хос кескин ва катъий ҳаракатнинг амалдаги ифодаси ҳам де йиш мумкин...

2.2. Европа Иттифоқининг Германия ташқи сиёсатидаги аҳамияти

Германия бирлашган давлатчилиги қайта тикланганидан бошлаб, у демократик ҳуқуқий давлат ва умуминсоний, эътироф этилган идеаллар ҳамда кадриятларга асосланган фуқаролар жамияти қуриш йўлига тушиб олди.

Германия минтақадаги йирик мамлакатлардан бири ҳисобланиб, табиий ва инсоний ресурсларга бой Европада алоҳида жўғрофий-сиёсий ўрин эгаллайди. Ўлкан табиий, минерал-хомашё ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган Германия бугуннинг ўзидаёқ Европа Иттифоқига аъзо бўлган кўпгина мамлакатларнинг иқтисодий ва савдо соҳасидаги муҳим шерикларидан ҳисобланади.

Германия Федератив Республикаси бугунги кунда умумевропа жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлиб қолган. Биз Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти Хельсинки ғояларини мустаҳкамлаш учун минтақавий марказ сифатида айнан Германияни танлаганлига эътибор қаратишимиз лозим. Германия НАТОнинг “Тинчлик йўлидаги шериклик” дастуридаги иштироки ҳам тобора кенгайиб бормокда.²²

Ҳозирги замонда Европа иқтисодий ва сиёсий аҳамияти тобора ўсиб бораётгани Германиянинг савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларининг ёрқин истиқболигагина эмас, ГФР билан Европа Иттифоқи ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилганлигига ҳам бориб тақалади.

Германия Федератив Республикаси ўз халқининг муносиб ҳаётини таъминлайдиган эркин бозор иқтисодиётига эга демократик очиқ давлатни шакллантириш ва оёққа турғозиш учун Европа Иттифоқи ва Европа мамлакатлари кўрсатаётган ёрдам ҳамда мададни юксак баҳолайди ва миннатдорлик билан қабул қилади, деган эди ташқи ишлар вазири Гвидо

²² "Monde Diplomatique" 1992, ежегодный сборник

Вестервелли ўзининг Европа Иттифоқи мамлакатларидан келган аъзолар билан ўтказилган мажлисдаги нутқида. “Бугунги кунда хусусий сектор ва тадбиркорликни мустахкамлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, биз учун янги бўлган мулкдорлар синфини оёққа турғизиш, замонавий меъёр ва стандартларни ҳаётимизга татбиқ этиш борасида бизга кўрсатилаётган ёрдам ниҳоятда муҳимдир”...

Бу борада Европа Иттифоқидан ТАСИС дастури бўйича олинаятган ёрдамлар ҳам ниҳоятда мислсиздир.

Хамкорликнинг мақсади битта – Европа ва Германия ҳудудида барқарорлик ва хавфсизликни мустахкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркини кафолатлаш, аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратишдан иборатдир.

2004 йилнинг бошида Европа Иттифоқи кенгаши ташқи ишлар вазирлари даражасида Германия билан бошқа давлатларнинг шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш бўйича музокаралар олиб боришга қарор қилган эди. Март ойида Брюсселда бу музокараларнинг биринчи босқичи муваффақият билан ўтди. Европа иттифоқи комиссиясининг раиси Ханс ван ден Брукнинг Германияга самарали ташрифи ҳам юз берди.

21 июнь куни Флоренцияда, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари мажлисида Германия федератив республикаси ва бошқа аъзолар билан янги мустақилликни ва ўзига хос тараққиёт босқичига эришган мамлакатлар билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Маросимнинг ўзига келсак илгари бундай битимни имзолаган янги мустақил давлатлар орасида фақат Россиягина ана шундай шарафга муяссар бўлган эди.

Бу битим ўзаро муносабатларнинг мустахкам ташкилий пойдеворини қўйибгина қолмай уларни бутунлай янги даражага кўтаради ҳам.

Бу битим Германия Федератив Республикаси эга бўлган салоҳиятдан

бошқа давлатлар учун янада тўлароқ фойдаланиш имконини беради.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги мазкур битим кенг савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан бир қаторда зарур бўлган тақдирда олий даражада сиёсий маслахатлар ўтказишни ҳам назарда тутади.

Имзоланган битим томонларнинг фаол шериклик асосини ташкил этишга бўлган интилишидан далолат бўлибгина қолмайди. У Германияда демократик жамият муваффақият билан қурилаётганини, немис халқи инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, фуқаро эркинлиги ва ҳуқуқий давлат сингари умумий қадриятларга содиқ эканини ҳам яққол кўрсатиб турибди. Назаримизда бу ҳужжат қачондир айтилган ўзаро ҳамкорлик асослари фақатгина манфаатлар доирасида қурилади, унда инсонпарварлик туйғуларидан асар ҳам бўлмайди деганга ўхшаш гапларни ҳам чипакка чиқаради. Шарқий ва Ғарбий Германия бирлашувидан кейин ўтган йилларда амалга оширилган барча ишлар Европа мамлакатларининг кундан-кун мустаҳкамланиб бораётган ўзаро муносабатларини кўрсатиб турибди.

Германия Федератив Республикасининг Европа тузилмаларига яқинлашувида бу буюк давлат билан икки томонлама муносабатларнинг чуқурлашувининг ҳам ҳиссаси бор. Германиянинг Ўзбекистонга Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро ташкилотлар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилишида кўрсатаётган рағбат қўллаб-қуватлаши ўзаро муносабатларимизнинг янада мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Туркия Республикаси Президенти С. Демирилнинг Германияга расмий ташрифи ушбу буюк державанинг жаҳон ҳамжамияти билан алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти нуқтаи назаридан қаралиши лозим. Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, Берлинда имзоланган дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома бу икки давлат муносабатларининг изчил ва

барқарор равишда ривожланаётганини акс эттиради.²³

Кейинги уч ой мобайнида Япония, Индонезия, Австралия, Польша делегациялари Германия Федератив Республикасига расмий ва амалий ташриф буюрди. Дўстлик, яқдиллик ва ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бораётгани Берлиндаги учрашувларнинг ўзига хос хусусияти бўлди.

Бир қатор эндигина мустақилликка эришган мамлакатлар 1996-йилдаёқ Европа Иттифоқи билан бир қанча муҳим халқаро ва ҳукуматлараро битимларни имзолади. Улар орасида Европа Иттифоқига аъзо давлатлар, хусусан, Германия билан Африка ва Осиё мамлакатлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги оралиқ битими ҳам бор. Бу ҳужжат июнь ойида Флоренсияда имзоланган мустақилликни қўлга киритган мамлакатлар билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги битимнинг мантикий давоми бўлиб, сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар қўшма лойиҳаларни бугунги куннинг ўзидаёқ амалга ошириш имконини беради.

Европа Иттифоқи комиссияси раиси жаноб Ж. Сантер билан Марказий Осиё давлатлари ҳамда Европа тузилмаларининг наркотик моддалар тарқатилишига қарши биргаликдаги ҳаракатлари ва бу мақсадларда ТАСИС дастури доирасидаги лойиҳалардан фойдаланиш зарурлиги хусусида эришилган битимларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шу муносабат билан ҳамкор мамлакатлар Европа Иттифоқининг наркотик моддаларни тайёрлаш ҳамда ўз мамлакатлари орқали олиб ўтилишининг олдини олишда Осиё ва Африка қитъасидаги мамлакатларга ёрдам бериш ҳақида шу йил 14-декабрь куни Дублинда қабул қилинган қарорини юксак баҳолаш мумкин.

1996-йилда энг аввало иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан икки томонлама асосдаги ўзаро муносабатлар сезиларли даражада

²³ Плешаков К.В. геополитика в свете глобальных перемен.-Международная жизнь,1994, № 10.

кенгайди ҳамда мустаҳкамланди.

2008 йилнинг 1 май куни Германия, бутун Европа қолаверса, жаҳон сиёсати учун бурилиш палласи бўлди. Турли миллат ва элатлардан иборат 453 миллион аҳолини бирлаштирган ҳамда ер шарида энг улкан иқтисодий потенциалга эга бўлган Европа Иттифоқи мисли кўрилмаган даражада “янги тоифадаги умумийлик” асосида фаолият юрита бошлади. Ушбу янги сиёсий уюшма хусусида турфа хил фикрлар мавжуд. Жумладан, баъзи бировлар унинг мураккаб муаммолари ҳақида кўпроқ гапиришмоқда. Зеро, инсоният шундай яратилганки, у асосан муаммоларни кўради, уларга эътибор беради ва шу туфайли ўралашиб, шубҳаларга бориб, ҳатто бугун хал қилиниши лозим бўлган бошқа асосий масалалардан йироқлашаётганлигини ҳам сезмай қолади. Шундай экан, у ердаги муаммоларнинг объективлигини инобатга олган ҳолда, ушбу минтақаларда Германия томонидан қўлга киритилган қўйидаги асосий ютуқларга алоҳида эътибор беришимиз лозим бўлади:

Биринчидан, ҳатто энг кучли давлатлардан ҳисобланган Англия ёки Франциянинг холисона айтадиган бўлсак, дунё сиёсатида тоборо ошиб бораётган таъсири хусусан, Евроиттифоқ туфайли содир бўлмоқда.

Иккинчидан, аъзо мамлакатларнинг барчаси жамият барқарорлиги ва тараққиёти билан боғлиқ муаммоларини айнан Евроиттифоқ доирасида тез ва самарали ҳал этиш имконини қўлга киритишди. Ва ниҳоят, учинчидан, ҳар бир аъзо давлат ўз миллий манфаатларини амалга ошириш ёки таъминлаш йўлида яна бир катта имкониятга, яъни умумевропа ресурсига эга.

Германия Федератив Республикасининг Европа билан ягона ҳавфсизлик муҳитигагина дахлдорлигини эътиборга оладиган бўлсак, муаммонинг диққатга сазовар айрим жиҳатларига аҳамият бериш фойдадан холи бўлмайди. Лекин минтақа ва Германия миллий манфаатларини таъминлаш нуктаи назаридан тараққиётнинг беқиёс янги бир босқичига

кўтарилаётган Европа интеграциясининг замирида ётган “кўздан йироқ” бир жиҳатга, яъни умумевропа сиёсий маданиятига алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Зеро, сиёсий кўникмалар ва стереотиплар у ёки бу сиёсий миллий, минтақавий уюшманинг дунёга юз тутишига кўмаклашгани ҳолда унинг ноёб бир организм сифатида силкинишларсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш қобилиятига ҳам эга.²⁴

Тўғри, бугунги кунда Евроиттифоқнинг ҳозирги ҳолатига хос умумий сиёсий маданиятнинг ўрни ҳақида мутахассисларнинг турли хил фикр билдираётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айримлар Европани ягона сиёсий яхлитликка олиб келган омиллар орасида умумий менталитет ва тарихдан кўра, мавжуд таҳдидларни бартараф этиш борасидаги манфаатлар алоҳида ўринни эгаллайди, деган фикрни ўртага ташламоқда. Зотан, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Давлатларни ҳам, тизимларни ҳам бир қолипга солиб бўлмайди”. Лекин сиёсий кўникмалардаги ўхшашлик у ёки бу минтақадаги хавфсизлиги учун бирдан-бир омил бўлмасада, унинг аҳамиятини инкор этиш мумкин эмас. Умуман олганда, Евроиттифоқ ҳозирда бирон-бир жиддий муаммони бошидан кечираётгани йўқ. Бу эса аксарият минтақа давлатларининг муваффақиятли фаолият кўрсатаётганлигидан, унинг чексиз кенгайиши мумкин эмаслигига қарамай, бошқаларнинг аъзоликка интилаётганлигидан ва ташкилотнинг халқаро хавфсизликнинг мустаҳкам форпости даражасига кўтарилганлигидан далолат бермоқда, лекин бу юксалиш шунчаки муаммосиз кечмоқда, дегани эмас, албатта. Таомилга кўра, ҳар қандай сиёсий ҳамжамият сиёсий коммуникация жараёнида бўлган кўплаб индивидлар ва социал гуруҳларни қамраб олади ва ушбу жараён давомида улар фақат ўзига хос ва мос, табиатан интерактив сиёсий маданиятни яратишади. Шунингдек, фуқаролар сиёсий қарорларнинг қабул қилинишида фаол иштирок этадими ёки йўқми ундан қатъий назар, ҳокимият

²⁴ Carlo Santoro "Progetto di ricerca multifunzionale 1994 - 1995 - I nuovi poli geopolitici", Milano.

органлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий меъёрларга қўшилиш ва уларни бажариш ҳамда умумий стратегик мақсадларга эришиш йўлида ҳокимият билан ҳамкорлик қилишлиги лозим бўлади, деб таъкидлайди сиёсий фанлар доктори Марина Стрежнева.

Европа Иттифоқининг бугуни ва истиқболи кўп жihatдан ҳар бир аъзо давлат фуқаролари томонидан унга берилаётган баҳога ва қолаверса одамлар тасаввурида унинг қандай қиёфада гавдаланишига боғлиқ. Шу туфайли ҳам Европа Иттифоқи бир-биридан ўзаро фарқ қилувчи, ягона лекин ягона мақсад йўлида бирлашган миллатлар тасаввурида мавжуд идеаллар билан уйғунлашишга мажбурдир. Шу билан бир қаторда, Евроиттифокқа аъзо бўлган ҳар бир давлатнинг хавфсизлиги ва истиқболи бошқа омиллардан ташқари, хусусан “НАТО-АҚШ-ЕИ” триадасининг минтақада қандай қабул қилинишига, айниқса унинг легитимлик даражасига ҳам алоқадор. Зеро, ҳар бир минтақада эртами ё кечми сиёсий хавфсизликнинг ягона тизимини шакллантиришга бўлган зарурат кучаймоқда. Бундай ҳолатнинг минтақадош давлатлар олий сиёсий раҳбарияти даражасида англаётганлиги диққатга сазовордир. Демак, нафақат Германия федератив республикаси, балки Осиёнинг бугуни ва келажаги, ҳамкорликка асосланиб, минтақавий барқарорликни таъминлаш йўлида катта тажрибага эга бўлган Европани чуқур идрок этиш даражасига ҳам боғлиқдир.

Европа Иттифоқининг фаолиятида айрим ўзига хос мушкулликлари борлиги табиий. Боз устига қайси минтақада майда-чуйдалардан устун келиб стратегик йўналишларга устуворлик берилаётган бўлса, ўша жойда тараққиётга эришилаётганлиги жаҳон тажрибасида аллақачон исботланди. Жумладан, Европа хавфсизлиги тизимининг бугунги тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, унинг қамровида турли-туман катта-кичик давлатлар иштирок этаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Ва табиийки, хавфсизлик ўта кенг қамровли ва умумсайёравий тушунча бўлганлиги боис, уни ҳар бир давлат, авваламбор, ўз миллий манфаатлари билан уйғунлаштиришга

интилади. Миллий манфаатлар эса бирмунча нозик масала бўлиб, унинг замирида кўплаб зиддиятли жараёнлар яшириниб ётади. Шу туфайли бўлса керак, уларни Евроиттифоқ даражасида уйғунлаштириш масаласи енгил кўчмаяпти. Бу йўлда кўплаб хавф-хатарларга ҳам дуч келинаяпти. Чунки, минтақавий хавфсизлик ҳар бир давлатнинг манфаатларига бориб тақалиши билан бир қаторда, у умумевропача мазмун касб этиши лозим.

Хуллас, нима бўлганда ҳам XX асрнинг ўлкан классиги Чингиз Айтматов айтганидек, “Европа Иттифоқи туфайли мана ярим асрдан зиёдрок Европа урушсиз яшамокда”. Европаликлар интеллектининг маҳсули бўлган ушбу минтақавий ташкилот ёки бўлмаса, сиёсий уюшмага турли хил миш-мишлардан эмас, айнан ана шу фикрдан келиб чиққан ҳолда баҳо берсак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бугунги кунда Европа Иттифоқи аъзо давлатлар ўртасида тинчлик ва хавфсизликни сақлашга, минтақада иқтисодий ва ижтимоий фаровонликни таъминлашга, шунингдек, халқаро майдонда ҳам таъсирли куч бўлишга интилмоқда. Шу мақсадларда Иттифоқ доирасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бироқ, энг қизиқарли ва кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган масала - Иттифоқнинг кенгайиши, хусусан, Европа Иттифоқи ва Туркия ўртасидаги муносабатлар билан алоқадордир. Еврокомиссия 2005 йил 29 июнда ўша йилнинг 3 октябридан эътиборан, Туркия билан унинг Европа Иттифоқига аъзолиги борасида музокараларни бошлаш ҳақидаги расмий таклифини эълон қилди.

Еврокомиссия раиси М.Бароссонинг фикрига кўра, Туркия географик хусусиятлари, Яқин Шарқ ва Каспийбўйи ёқилғи-энергетика манбалари ва Европа Иттифоқи ўртасида кўприк бўлиш қобилияти, ушбу минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қўшадиган ҳиссаси жиҳатидан, Иттифоқ учун геосиёсий ва геостратегик аҳамиятга эга. Евроосиёнинг ёқилғи-энергетикага бой минтақаларига яқинлиги ва энергетикани Европа Иттифоқи бозорларига кириши қулайлиги билан Туркия Европа

Иттифоқининг энергетика соҳасидаги хавфсизлигини таъминлашда катта роль ўйнайди. Туркиянинг иштироки Европа Иттифоқининг ёқилғи-энергия манбаларига янада осонроқ эришишини таъминлайди. Масалан, Боку-Жейхан, Набукко каби нефть ва табиий газ қувурлари Каспий бўйидаги ёқилғи-энергетика манбаларини Туркия орқали европага экспорт қилиш учун қурилган. Бугунги кунда Форс кўрфазидаги табиий газ захираларини ҳам Туркия орқали Европага узатиш бўйича музокаралар давом этмоқда. Халқаро муносабатлардан бирон-бир давлат ёки иттифокни стратегик куч сифатида қабул этиш учун унинг кучли қуролли кучлари ва уни қисқа муддатда ҳаракатга келтира оладиган қарор қабул қилиш механизми бўлиши керак. Шу маънода, Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг ҳар бири ўзининг миллий қуролли кучларига эга. Ташкил этилаётган Европа Хавфсизлик ва Мудофаа сиёсати учун Туркиянинг ҳарбий салоҳияти муҳимдир. Турк сиёсатшуноси Али Кулеби НАТОда АҚШдан кейин иккинчи катта армияга эга бўлган Туркияни ҳарбий соҳада Европа давлатларидан анча олдинда эканлигини таъкидлайди. 2003 йилги маълумотларга кўра Туркия давлати мудофаа харажатлари учун ЯММнинг 3,6 фоизини сарфлаган. Бу Европа Иттифоқидаги ўртача 1,9 фоиздан анча юқоридир. Туркия 2003 йилда 823000 солдатга эга бўлган бўлса, Европа Иттифоқи давлатлари орасида энг кўп солдатга эга бўлган Францияда бу рақам 356000 тани ташкил этади. Демак, халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, инсон савдоси ва ноқонуний кўчманчилик каби таҳдидларга қарши курашда, Европада мудофаа ва хавфсизлик тизимининг шаклланишида, тинчлик ва барқарорликнинг таъминланишида Туркия-Европа Иттифоқи ҳамкорлиги алоҳида эътиборга молик.

Европа Иттифоқининг структураси тадқиқ қилинганда туғилишнинг камайиши келажакда демографик ўзгаришларга сабаб бўлишини тахмин қилиш мумкин. Европа Иттифоқи иқтисодий сиёсат қўмитасининг тахминларига кўра, Европа Иттифоқининг бошқаларга қарам кекса аҳоли

нисбати 2050 йилга қадар икки баробар кўпаяди. Бошқаларга қарам аҳолининг фаол аҳолига нисбатан 2040 йилда Туркияда 1:4, Европа Иттифоқида эса 1:2 бўлиши кутилмоқда. 2040 йилларда Туркияда фаол меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган ҳар 4 киши битта “бошқаларга қарам” кишини боқа олади. Демак, Европа Иттифоқи инсон ресурслари жиҳатидан Туркияга муҳтож бўлиши мумкин. Шунингдек, Туркия Европа Иттифоқида аъзо бўлиши билан Транс-Европа тармоқлари кенгаяди. Ушбу тармоқ Маастрихт шартномаси билан миллий тармоқларнинг бир-бирига боғланиши ва биргаликда ишлашини йўлга қўйиш учун транспорт, алоқа энергия ва атроф-муҳит экологияси каби тўртта муҳим соҳада тараққиётни таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Туркиянинг тўлиқ аъзолиги юқоридаги соҳаларнинг ривожига катта ҳисса қўшади. Бироқ, бир нарса равшан бўлмоқдаки, Иттифоқ кенгайишда давом этишдан олдин ички муаммоларни ҳал этиши лозим. Франция ва Голландияда Европа Иттифоқи конституциясининг рад этилиши унинг келажаги ҳақидаги шубҳаларни келтириб чиқарди. Ушбу давлатларда халқ оммасининг истаги миллий ва ижтимоий давлатни сақлаб қолишга қаратилган. Бу ҳолат фақат Францияда юзага келган иқтисодий муаммолар ёки ишсизлик нисбати билан чекланмайди. Агар, Европа Иттифоқи конституцияси Германияда референдумга қўйилганида ҳам Франциядаги натижа келиб чиқиши мумкин эди. Чунки Германияда иқтисодий муаммолар кўпаймоқда ва ижтимоий давлат заифлашмоқда. Буларнинг барчаси шуни кўрсатмоқдаки, Иттифоқнинг чуқурлашувига, яъни институциялашувига тўсқинлик қилмоқда.

Сўнгги йилларда Европанинг Германия, Франция, Бельгия ва Италия каби давлатларда ўнг партияларнинг ҳукумат тепасига келганлиги, Туркиянинг аъзоликка кириш жараёнини янада мураккаблашишига сабаб бўлмоқда. Шунга қарамай, Европа Иттифоқи Туркиянинг интеграциясига кизиқиш билдирмоқда. Чунки стратегик жиҳатдан, Европа учун НАТОнинг

шарқий истеҳкоми ва мусулмон дунёсининг ягона секуляристик давлати бўлган Туркияни Европа Иттифоқига аъзо бўлиши ушбу ташкилотнинг “христианлар клубига” айланишининг олдини олади ва Европада диний бағрикенгликнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, демократиянинг қарор топишига, минтақада барқарорликнинг таъминланишига кўмаклашади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Анқара расмий доираларининг фикрига кўра, Туркия Европа Иттифоқига аъзо бўлса, Европа бозоридаги Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий манфаатларини қўлаб-қувватлайди ва Ғарбий Европа сармоясини Туркия орқали Марказий Осиёга жалб этишда янги канал очилади. Аммо Туркиянинг Европа Иттифоқи аъзолиги учун олиб борилаётган музокараларнинг натижаси олдиндан кафолат остига олинмаган, улар бошқа давлатларникидан фарқли ўлароқ, узоқ муддатга чўзилиши ҳам мумкин.

III боб. Германиянинг Шарқ давлатлари билан алоқаларида Европа Иттифоқи: режа ва истиқболлари.

3.1 Германиянинг Ўзбекистон билан алоқаларида Европа Иттифоқининг аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи (ЕИ) ҳамкорлиги муаммоларини тадқиқ этишнинг долзарблиги унинг бугунги кундаги сиёсий заруратидан, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигидан ва Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг европа йўналиши илмий-назарий жиҳатдан тўла ишлаб чиқилмаганлигидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов Ўзбекистон ташқи сиёсатининг европа йўналиши муҳим ўрин тутишини ва унинг мамлакатимизда трансформацион жараёнларининг суръати ва самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлайди²⁵. Европа Иттифоқи-бошқарув органлари умумий бўлган кучли давлатларнинг энг йирик интеграциялашган бирлашмаси бўлиб, у ўзининг ярим асрдан ортиқ тарихига эга. У бошқа интеграциялашган бирлашмалардан нафақат ўз кўрсаткичларининг миқдори ва ҳажми, балки унга аъзо давлатларнинг бири-бирига чуқур интеграциялашуви билан ҳам фарқланади.

Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик тараққиёти сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ўта муҳим аҳамиятга эга. Европа Иттифоқи – бу шерик ёки қўшниларнинг ўз муаммоларини анъанавий қадриятлар асосида аниқ бир мақсадга йўналтирган ҳолда ҳал этишдир. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар Марказий Осиё ресурсларига ўз қизиқишларини ўзгартиргани йўқ. Аммо, бизнинг назаримизда, бугунги кунда Европа Иттифоқи Марказий Осиё минтақасига нисбатан етарли даражада фаол сиёсат юритмаяпти. Бундай ҳолат Европа Иттифоқининг

²⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. –Т., 1997. 303-б.

Марказий Осиё минтақасига нисбатан аниқ “қадамлари”ни ҳамда сиёсатшуносликка оид илмий адабиётларни чуқур илмий-назарий таҳлил этиш жараёнида кўринади. Охирги пайтларда европалик олимлар томонидан Европа Иттифоқининг Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонга нисбатан сиёсати илмий адабиётларда деярли ёритилмаётганлигини кузатиш мумкин, Марказий Осиёнинг Европа Иттифоқи учун жуда муҳимлиги ҳақидаги илмий адабиётларни амалий жиҳатдан деярли учратмадик.

Аммо, бу ўринда бугунги кунда вазият ижобий томонга ўзгараётганини, яъни европалик сиёсатшунослар Ўзбекистон билан ҳамкорлик ўрнатишдан бош тортиш, Ўзбекистонга нисбатан санкцияни кучайтириш нотўғри эканлигини тан олишаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бизнинг назаримизда, ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг ўсиши Европа Иттифоқи экспертларининг шундай хулоса чиқаришига сабаб бўлмоқдаки, Марказий Осиёга йўналтирилган ташқи сиёсатни кучайтириш лозимлигини кўрсатмоқда. Бу ҳолат 2001 йил Европа Иттифоқининг Саммитида алоҳида таъкидланди. Албатта, европалик барча сиёсатшуносларни юқоридагидек фикрда деб бўлмайди, бундан ташқари, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ҳамкорлиги масалалари ўзбек ва европалик сиёсатшунослар томонидан илмий-назарий жиҳатдан кам ўрганилган. Шундай қилиб, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ҳамкорлигининг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари мамлакатимиз ва европалик олимлар томонидан ҳамкорликнинг сиёсий-амалий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, тўғри талқин қилиняпти, деб бўлмайди. Бу эса айнан шу ҳамкорлик масалаларини ҳар томонлама атрофлича ва чуқур тадқиқ этишни долзарб вазифага айлантирмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигининг у ёки бу қирраларини ёритувчи умумий йўналишдаги ишлар мавжуд. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳамкорлиги масалаларига бағишланган махсус ишлар мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам, хорижий

тадқиқотчилар томонидан ҳам деярли яратилгани йўқ.

Шу боис Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиги ҳозирги замон геополитикасининг энг муҳим қирраларидан бири ҳисобланади, шунга кўра тадқиқот жараёнида геополитика тарихи ва назариясига оид ишлардан кенг фойдаланилди²⁶.

Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан сиёсий-дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалари алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг кўп томонламалиги ва очиқлиги иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан мустаҳкам, ўзаро фойдали ва тенгма-тенг муносабатларни ўрнатишга ёндашувларни белгилаб беради. Биринчидан, бизнинг минтақамиз халқлари Европа маданий олами билан икки ярим минг йилдан буён ўзаро алоқа қилади. Иккинчидан, Республикамиз учун Ғарб йўналиши билан ҳамкорлик қилиш замонавий технологиялар, инвестицияларини саноатнинг етакчи тармоқларига жалб қилиш, табиий хом ашёдан ҳар томонлама фойдаланиш йўлини очади. Учинчидан, етук кадрлар, айниқса банк ва бошқарув соҳасида мутахассислар тайёрлаш, ахборот тармоқларини йўлга қўйиш, жаҳоннинг етакчи биржалари билан алоқа ўрнатиш, хорижий қонунчилик тажрибасини ўрганиш Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг асосий йўналишидир.

Шулар асосида 1993 йил апрелда Республикамиз билан Германия ўртасидаги давлатлараро муносабатларни йўлга қўйилиши айна пайтда Ўзбекистонга Европа сари катта йўлни очди.

Учрашувда ўзаро тенглик асосида, маданий ҳамкорлик тўғрисида, сармоялар қўйишни амалга ошириш ва ўзаро ҳимоя қилишга кўмаклашиш, илмий тадқиқотлар ва мутахассислар фондини ташкил этиш тўғрисида битимлар имзоланди. Эндиликда Тошкентда икки томонлама савдо-иқтисодий палата ташкил этилган, Германиянинг элчихонаси иш юритмоқда.

²⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. –Т., 1997. 303-б.

Ўзбекистон тарихи 10 синф 306 бет

“ТошкентФранкфурт” ҳаво йўлида самолётлар қатнай бошлади.

Бозор иқтисодиёти қийинчиликларига қарамасдан Ўзбекистон Республикаси Германиянинг дунёга машҳур “Мерседес Бенц” компаниясидан 1992-1998 йиллар давомида 1166 та шу маркали автобусларнинг харид қилиниши шахримизнинг аҳоли оғирини енгил, унинг кўркига кўрк қўшди.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантириш ўзаро тенглик асосида амалга оширилмоқда. Бу ҳамкорликка 1993 йил октябрь ойида Республикамиз делегациясининг Германия давлатига расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асос бўлди. Сафар чоғида Берлинда Ўзбекистон Республикаси билан Германия Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик, сармояларини ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, фуқароларнинг эркин ҳаракати ҳақида ҳаво транспорти соҳасида, икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисида шартнома, битим ва ҳамкорлик тўғрисидаги декларациялари имзоланди. Юртбошимизнинг Берлин хартиясини имзолаш Ўзбекистонда демократиянинг ривожланиши, Республикамизнинг Европа ва бошқа ривожланган давлатлар билан янада яқинлашувига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида иқтисодий, илмий, маданий алоқалар кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат, нефть ва газ саноати, қурилиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинмоқда. Масалан, ўзаро товар айрбошлаш ҳажми 1994 йилда 12 млн АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1998 йилдаги бу борада кўрсаткич 170 млндан ошди. Шу кунгача мамлакатимизда Германиядаги тўғридан-тўғри сармоя сифатида 140 млн доллар миқдоридagi маблағ ўзлаштирилган, яқин вақт ичида яна 400 млн долларлик сармояни ўзлаштириш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон билан Германия ҳамкорлиги гарчанд анча илгари бошланган

бўлсада, Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнггина муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш имкони пайдо бўлди. Икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. Ўзбекистонда хорижий сармоялар учун яратилган қулай шарт- шароитлар, Германиянинг йирик фирма ва компаниялари мамлакатимизга тобора кўпроқ сармоя олиб кирмоқда. Бугун Ўзбекистонда озиқ-овқат, енгил саноат ҳамда савдо-сотиқ соҳаларида Германия билан ҳамкорликда ўнлаб қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳам муттасил равишда ўсиб бормоқда.

Бугунги кунда Европа Иттифоқининг таъсири ўлароқ нафақат Германия, балки Италия, Чехия ва бошқа Европанинг кўзга кўринган мамлакатлари билан алоқалар яхшиланиб бормоқда. Масалан, 1994 йилда бу кўрсаткич 50 млн. Доллар миқдорда бўлган бўлса, 1999 йилга келиб, биргина “Ўзбектелеком” ва Италиянинг “Стетинтернейшенэл” концернлари Ўзбекистондаги телекоммуникация тармоғини мукаммаллаштириш 200 млн доллар миқдоридаги маблағни ўзлаштириб, республикамызда телефон тармоқларини кенгайтиришга ўз ҳиссасини қўшди.

Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги ҳамкорлик уфқлари жуда кенг, икки мамлакат ўртасидаги дипломатия муносабатлари 1993 йилда ўрнатилган. Ўзбекистон Чехиянинг Ўрта Осиё бозорига кириши учун дарвоза сифатида хизмат қилса, ўрта Европа бозорига чиқишимизда Чехия ҳам худди шундай муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон - Чехия иқтисодий алоқалари кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Масалан, Чехиянинг “Шкода” ҳамда “ЧКД” фирмалари томонидан 1992-1998 йиллар мобайнида 131 та трамвай ва 232 та троллейбуслар етказиб берган. Ўтган вақт ичида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2000 йилга келиб 50 млн. Доллардан ошиб кетди.

Ўзбекистон Президентининг Буюк Британияда 1993 йил 22-25 ноябрь кунлари тўрт кунлик давом этган расмий давлат делегациясининг амалий

ташрифи Республикамиз билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ушбу учрашув икки давлат ўртасида ўзаро иқтисодий алоқалар тўғрисида шартнома, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим; ҳаво йўллари очиш тўғрисида битим имзоланди. Шунингдек Ўзбекистон Буюк Британия ўртасида фуқароларнинг эркин юриши ҳақида Меморендум, “Лонро” компанияси билан Ўзбекистон ўртасида Олтин бизнес ҳақида битим имзоланди. Машҳур Ротшильдлар банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки раҳбарлари билан учрашувлари ҳамда ўзаро ҳамкорлик ҳақида битимларнинг имзоланиши кейинги йилларда ўз самарасини бермоқда. Масалан “Тошкент-Лондон” ҳаво йўлида самолёт қатновининг йўлга қўйилиши алоқаларни яқинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Испания, Греция, Словакия, Финляндия, Австрия, Швейцария каби Европа давлатлари ўртасида иқтисодий, сиёсий дипломатик ва маданий алоқалар ўрнатди, бу ҳамкорлик йиллар ўтган сайин чуқурлашиб бормоқда. Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон Савдо уйининг очилиши муҳим тарихий воқеа бўлди. Савдо маскани Республикамизнинг Европа ва жаҳонда бизнес маркази ҳисобланадиган мамлакат Швейцариядаги ваколатхонасига айланди.

Айниқса И.А.Каримовнинг Давосда ҳар йили бўлиб ўтадиган жаҳон иқтисодий анжуманида иштирок этиши ва конференцияда сўзлаган нутқлари унинг иштирокчилари, давлат ва ҳукумат бошлиқларини, халқаро молия ташкилотлари, йирик банклар ва компанияларининг раҳбарларини, жаҳон бизнесменларини Ўзбекистоннинг салоҳияти билан таништириши келгусида республикамизга хорижий сармояларни жалб қилишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида иқтисодий омиллар хал қилувчи ўрин эгаллайди. Хорижий мамлакатлардан ватанимизга илғор технологиялар,

сармоялар кириб келиши, кўплаб қўшма корхоналарнинг қурилиши оқилона ташқи сиёсатимиз натижасидир. Ҳозирги кунда республикада хорижий сармоялар иштирокида барпо этилган 3200 қўшма корхона жаҳондаги 80 мамлакатдан келган шериклари билан биргаликда фаолият кўрсатмоқда. 1997 йилда улар томонидан 123 миллиард сўм хажмда маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу 1996 йилга нисбатан уч баровар кўпдир.

Ўзбекистоннинг Европа давлатлари билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалари ўзининг тинчликсевар, яхши қўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати билан бутун дунёга танилмоқда.

3.2. Германия ва Ўзбекистон республикаларининг ўзаро ҳамкорлиги ривожланиш босқичлари.

Германия билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида расмий муносабатлар 1992 йилдан бошланган бўлсада, икки давлат ўртасидаги алоқалар узоқ даврга бориб тақалади. Йигирманчи аср бошларида ўзбек чеварлари орасида немисларнинг “Зингер” тикув машинаси ниҳоятда машҳур бўлган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, икки мамлакат ўртасида тенг ҳуқуқли муносабат ўрнатилди. Ўзбекистоннинг ғарбий Европадаги биринчи элчихонаси 1993 йилда Бонн шаҳрида очилди. Ўша пайтданок ўзаро алоқалар, делигацияларнинг ташрифлари йўлга қўйилди. Германия федерал иқтисодий ҳамкорлик вазирининг 1992 йил август ойидаги расмий ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун асос яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 1993 йил апрелда Германияга қилган ташрифи ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларга муҳим омил бахш этган бурилиш воқеаси бўлди. Ушбу ташриф якунида имзоланган “Капитал қўйилмаларни амалга оширишга кўмаклашиш ва уларни ўзаро ҳимоялаш тўғрисидаги” шартнома, “Илмий тадқиқот ва мутахассислар жамғармасини вужудга келтириш” ҳамда “Маданий ҳамкорлик” тўғрисида битимлар икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берди.

Ҳамкорлик дастурларини мувофиқлаштириш ва тезроқ амалга ошириш мақсадида 1993 йил август ойида идоралараро комиссия ҳамда 1995 йил май ойида Ўзбекистон – Германия доимий ишчи гуруҳи тузилди. Мазкур комиссия ва гуруҳ мунтазам равишда йиғилишлар ўтказиб, инвестицияларни кафолатлаш ва суғурталаш, лойиҳаларни молиялаш, хусусийлаштиришга кўмаклашиш, қимматли қоғозлар бозорини вужудга келтириш каби муҳим масалаларни ҳал қилиб келаётир. 1993 йили Тошкентда Германия техникавий ҳамкорлик жамиятининг ваколатхонаси очилди. Жамият фаолияти туфайли

бозор иқтисодиётига оид семинар ва ўқув курслари ўтказиш йўли билан мутахассислар тайёрлаш, иқтисодий қонунчилик, хусусийлаштириш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар йўловчи транспортига доир қонун ва низомлар ишлаб чиқиш, “оналик ва болаликни ҳимоя қилиш” тадбирлари бўйича маслаҳатлар бериш дастури амалга оширила бошлади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистоннинг Европа минтақаси, жумладан, Европа Иттифоқи ҳамда унга аъзо мамлакатлар билан мустаҳкам, ўзаро тенг манфаатларга асосланган ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш, уни изчил ривожлантириб бориш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг ўзак йўналишларидан бирини ташкил этиб келмоқда. Бу борада айниқса, Австрия, Буюк Британия, Германия, Испания, Италия, Франция каби нафақат минтақа, балки, дунё сиёсий майдонида, ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда глобал хавфсизлик тизимида ўзига хос етакчи мавқеига эга мамлакатлар билан яқин шерикчилик муносабатларига катта эътибор қаратилиб келинаётганлиги кўпчиликка яхши маълум.

Ўзбекистоннинг мазкур минтақа мамлакатлари орасида айниқса Германия Федератив Республикаси билан муносабатлари нисбатан кенгқамровлиги билан ажралиб туради. Тез кунларда Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини тан олганлигига 18 йил тўлади. 1991 йилнинг 31 декабрь куни Германия Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини расман тан олди, 1992 йилнинг 6 мартига келиб эса, икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. Ўзбекистоннинг Ғарбий Европадаги биринчи элчихонаси 1993 йилда айнан Германияда, Бонн шаҳрида очилганлиги ҳам бунинг ўзига хос исботидир. Ўтган йиллар давомида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 1993, 1995 ва 2001 йиллардаги Германияга, Германия Президенти Р.Герцогнинг 1995 йилда, Канцлер Г.Шрёдернинг 2002 йил ҳамда 2004 йилдаги Ўзбекистонга қилган олий даражадаги ташрифлари икки мамлакат

ўртасидаги муносабатларни изчил ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон-Германия ўртасида 112 та ўзаро тенг манфаатларга йўл очувчи ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар имзоланган. Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси ҳажми 470 млн. АҚШ долларида ортди. Германиянинг бир қатор банклари ва компаниялари Ўзбекистонда умумий қиймати 1,0 млрд. еврадан ошиқ бўлган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этмоқда. Ўзбекистонда 130 дан ортиқ немис инвесторлари иштирокидаги, шунингдек, 20 дан ортиқ юз фоиз немис капитали ҳисобига ташкил этилган корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлигида 60 га яқин Германия компанияларининг ваколатхоналари аккредитациядан ўтган. Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи корхоналар сони жиҳатидан Германия Россия, Туркия, АҚШ, Буюк Британия ва Кореядан кейинги олтинчи ўринни эгаллайди. Биргина 2008 йилнинг ўзида мамлакатлар ишбилармон доираларининг Тошкент халқаро бизнес марказида 2 марта бизнес-форумининг ўтказилиши (февраль-октябрь ойларида) томонларнинг ўзаро ҳамкорликдан қай даражада манфаатдор эканликларини яққол кўрсатиб беради.

Жорий йилнинг август ойида "Ўзавтосаноат" АК ва Германиянинг "Ман Нутцфарцойге АГ" компаниялари таъсисчилигида иш бошлаган йилига 2 мингдан зиёд автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш қувватига эга "JV-MAN Auto-Uzbekistan" қўшма корхонаси "МАН СЕ" компаниялари гуруҳининг МДХ давлатларида ташкил этилган ва "МАН" юк машиналарини саноат миқёсида йиғишни амалга оширувчи биринчи ҳамда ҳозирча ягона ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Германия нафақат иқтисодий соҳада, балки, ижтимоий-маданий, илмий-техник жабҳаларда ҳам ўзаро ишончли шерикдир. Тошкент ва Берлиннинг ўзаро биродарлашган шаҳарлар, Бонн ва Бухоро, Бремен ва

Самарқанднинг ўзаро ҳамкорликдаги шаҳарлар мақомидаги муносабатлари икки давлат ўртасидаги ижтимоий-маданий алоқаларда катта ўрин тутди.

Германиянинг Гёте номидаги институт, Германия академик алмашув хизмати (DAAD), К.Аденауэр, Ф.Эберт, А.Гумбольдт номидаги фондлар, “Инвент” жамияти, Герман-ўзбек илмий жамияти (2002 й.), Бонн, Бохум, Бамберг университетлари мамлакатлар ўртасида маданий, фан ва таълим, илмий-техник, инновацион ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш соҳаларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи Ўзбекистон-Германия дўстлик жамияти (1998 й.), “Wiedergeburt” немис маданий маркази (1990 й.), ушбу марказ қошидаги “Jugendstern” театр-студияси (2000 й.) ҳар икки мамлакат халқи маданий меросини ўрганиш, аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Немис тили Ўзбекистонда кенг миқёсда ўрганиладиган хорижий тиллар ўртасида иккинчи ўринни эгаллайди. Кейинги йилларда мамлакатимизда немис тилини ўрганишга янада катта эътибор қаратилмоқдаки, бу борада айниқса, Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Германия академик алмашув хизматининг ўрни катта.

Айни пайтда Германияда ҳам Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганишга катта қизиқиш билан қараб келинмоқда. 1997 йилнинг апрель-ноябрь ойларида, яъни, 8 ой давомида “Германияда ўзбек маданияти кунлари”, 2000 йилнинг сентябрида Бонн шаҳрида “Бухоро маданияти кунлари”, К.Аденауэр фонди кўмагида Сант-Аугустин шаҳрида “Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни” мавзусида илмий конференцияси, “Орол экологик фожиасининг миллий ва халқаро аспектлари” симпозиуми каби маданий ҳамда илмий тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. 2009 йил декабрь ойида эса Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ери Мюнстер шаҳри университетида Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ва Мюнстер университети маъмурияти ташаббуси билан “Ўзбекистон оқшоми” тадбири

ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий-маданий, техник-иқтисодий ҳамкорликнинг мамлакатлар минтақалари даражасида чуқурлашувида Вена конвенциясининг 26-моддаси юзасидан 1995 йилнинг 11 апрелида имзоланган ҳукуматлараро келишувнинг аҳамияти катта. Ушбу келишувга кўра, дипломатик ходимлар, шунингдек, Ўзбекистон ва Германиянинг аккредитациядан ўтган компаниялари ва турли хил ташкилотлари ходимлари, журналистлар, сайёҳлар мамлакат ҳудудида эркин, ҳеч қандай чекловларсиз юриш ҳуқуқига эга ҳисобланадилар.

Ўзбекистон-Германия ўртасидаги бу каби ижтимоий-иқтисодий, маданий-бадий, илмий-техник ҳамкорликнинг чуқурлашуви шубҳасиз, мамлакатларимизнинг янги аср дастлабки ўн йиллигида кузатилаётган дунё сиёсий кучлари ўртасида кечаётган ҳамкорлик ва зиддиятлар, халқаро ҳамжамиятнинг сиёсий жараёнларни барқарорлаштириш йўлидаги муносабатлари, қолаверса, халқаро терроризмга қарши кураш каби масалалардаги ўзаро ҳамфикрлиги, қарашлар ҳамоҳанглиги билан муштаракликка эга.

Маълумки, сиёсий ҳамкорлик ҳар икки томон миллий манфаатларининг уйғунлиги шароитида юзага келади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги сиёсий муносабатлар томонларнинг жаҳон ва минтақавий ҳамда ички сиёсий жараёнлар тизимидаги ўзаро манфаатларга асосланган, деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон ва Германиянинг халқаро ҳамда минтақавий кўламдаги ўзаро манфаатлари Ўзбекистон нуктаи назаридан қуйидагиларда намоён бўлади. Жумладан, биринчидан, иқтисодиёти юқори даражада ривожланган Германия улкан инвестицион, илмий-техник, инновацион ресурс салоҳиятига эга ҳамда озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотлари, шунингдек, юқори сифатли хом ашё товарлари учун ўзига хос истиқболли бозор вазифасини ўтовчи Ғарбий Европа минтақасида ишончли бизнес-шерикчилик алоқалари учун энг муносиб ҳамкордир. Иқтисодиётининг кенг тармоқлиги, юқори

технологияли ишлаб чиқаришга асосланганлиги, жаҳон бозорининг нафақат экспортда, балки, импортда ҳам ўзига хос “ўчоқ”ларидан бири сифатида ўрин эгаллаши Германияни ана шундай ишончли бизнес-шериклар қаторига киритиш имконини беради.

Иккинчидан, Германиянинг худди Ўзбекистон сингари, геосиёсий жиҳатдан евроминтақада марказий ўринни эгаллаши, ўзига хос сиёсий, ижтимоий-иқтисодий зиддиятлар босими ҳанузгача барҳам топмаган шарқий ва ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида, шу жумладан, ЕИ-Россия муносабатларида ўзига хос воситачилик вазифасини бажариши Ўзбекистоннинг мазкур минтақада ҳамда Россия билан бўладиган муносабатларида мустақил ва қатъий позициясини илгари суриш имконини беради.

Учинчидан, маълумки дунё ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳарбий муносабатларини тартибга солувчи кўплаб халқаро ташкилотлар Европада мамлакатларида жойлашган. Қизил Хоч, ЮНЕСКО, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, НАТО, МАГАТЕ, Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқалар шулар жумласидан. Албатта, “G-8” аъзоси сифатида Германиянинг мазкур ташкилотлардаги таъсири кучи сезиларли даражада юқори бўлиб, халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти ва ундаги жараёнларда ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилувчи Ўзбекистон учун бу ижобий аҳамиятга моликдир.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 1997 йилдаёқ, ўзининг “Ўзбекистон XXI бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли тарихий китоби муқаддимасида шундай ёзади: “Ўзбекистон амалда Форс кўрфази, Каспий денгизи ҳавзаси ва Тарим ҳавзасининг нефть ва табиий газга жуда бой конлари жойлашган ярим ҳалқанинг стратегик марказидир. Яъни, бу ярим ҳалқа атрофида бутун дунёда энергия тақчиллиги шароитида яқин йилларда Евроосиё ва жаҳон

келажаги учун ҳал қилувчи роль ўйнайдиган энергия захиралари мавжуд. Бунинг устига, биз Россия, Хитой ва Ҳиндистоннинг, Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари юзага чиқадиган минтақанинг бир қисмимиз”. Бу тарихий башорат ўз исботини узоқ куттирмади. Ўтган аср 90-йиллар сўнггида ниҳоясига етган Болқон урушидан кейин кўп ўтмай, янги асрнинг дастлабки йиллариданоқ, дунё сиёсий кучлари ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви янада зиддиятлироқ ва очикчасига кузатила бошланди. Кейинги ўн йил ичида дунё иқтисодиётида кузатилган юқори иқтисодий ўсиш энг аввало энергия ресурсларига бўлган талабни кескин оширди ва пировардда улар нархи кескин кўтарилди. Биргина нефть нархи 1999 йил июлида ҳар баррели 17-18 АҚШ долларидан 2008 йил июлида 147 АҚШ долларига қадар ортди. Бу шубҳасиз жаҳоннинг етакчи сиёсий кучларининг энергия захиралари тўпланган минтақалардаги геосиёсий фаоллигининг ошишига олиб келди. Бундай вазиятда ана шундай минтақаларнинг бирида жойлашган Ўзбекистон учун ўз миллий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида дунё сиёсий жараёнларида стратегик ҳамкорлик йўлини танлаши жуда ўринли позициядир.

Ўз навбатида ўзаро стратегик ҳамкорликдан Германия ҳам ўзининг бир қатор устивор манфаатларини илгари суради. Чунончи, энг аввало дунё етакчи сиёсий кучларининг Марказий Осиё минтақасига қизиқишининг тобора ортиб бориши шароитида Ўзбекистон каби ишончли ҳамкорга эга бўлиш Германиянинг Марказий Осиё ва унга туташ минтақалардаги фаоллиги учун катта имконият туғдиради. Бу борада айнан Ўзбекистон билан стратегик ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

- Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида улкан табиий, ижтимоий-иқтисодий ресурс имкониятига эга бўлиш билан бирга, ўтган йиллар давомида изчил амалга оширилиб келин ислоҳотлар, кўплаб ижтимоий ва

иқтисодий дастурлар ижроси пировардида, юқори даражадаги инсоний ресурслар салоҳиятига эга мамлакатга айланди;

- Ўзбекистон минтақада ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларини барқарор сақлаб келаётган ҳамда ички сиёсий жараёнларда жамият барча қатламлари консенсусига эришган мамлакат сифатида ташқи инвестициялар оқимини жалб қилувчи ўзига хос марказлардан бирига айланиб бормоқда. Бу яқин истиқболда Ўзбекистоннинг ҳам четга капитал экспорт қилувчи мамлакатлар қаторига қўшилиш имконини беради;

- маълумки, глобаллашувнинг чуқурлашуви, шунингдек, кейинги йилларда дунёда рўй бераётган улкан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида кўплаб мамлакатларнинг ташқи ва ички сиёсатида туб ўзгариш ва бурилишлар кузатилмоқда. Албатта бу бир томондан қаралганда табиий ҳол. Лекин, ички ва ташқи сиёсатдаги асосий тамойиллар ҳамда устивор йўналишларни сақлаб қолиш ҳам ўзаро муносабатларда муҳим устунликни таъминлайди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон мустақиллик йилларида қандай қийинчилик ва ислохотлар бошдан кечирмасин, ўз ташқи ва ички сиёсатида аввалбошданоқ белгиланган позицияни қатъиятлик билан сақлаб келмоқда;

- юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Германиянинг ўз минтақаларидаги геосиёсий ҳолати ҳамда минтақалар ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ўзаро яқин, ўхшашликка эга. Худдий Германия сингари Ўзбекистон ҳам Марказий Осиё минтақасида марказий ўринни эгаллаб, минтақа мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлигида муҳим транспорт йўлагига, улкан истеъмол бозорига (Ўзбекистонда минтақа аҳолисининг қарийб ярими истиқомат қилади), мукамал ва мураккаб ҳўжалик таркибига эгаллиги билан ажралиб туради. Қолаверса, минтақа мамлакатлари ҳамкорлигида, шунингдек, уларнинг иштирокида ташкил этилган турли халқаро ва минтақавий ташкилотлар (МДҲ, ШҲТ, КҲШТ) фаолиятида Ўзбекистон ўзига хос таъсир кучига эга ҳисобланади. 2010 йилда

Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилишини эътиборга оладиган бўлсак, бу таъсир доираси янада кенгайишига шубҳа йўқ;

- Ўзбекистон нафақат минтақа мамлакатлари орасида, балки, дунё ҳамжамиятида доирасида ҳам биринчилардан бўлиб, халқаро терроризм хавфи муаммосини илгари суриб чиққан мамлакат сифатида, халқаро терроризмга қарши курашнинг фаол иштирокчиси ҳамдир. Айтилган пайтда Ўзбекистон халқаро терроризмга қарши кураш бир мамлакатнинг бошқа мамлакатларга босим ўтказиши, ўз манфаатларини сунъий равишда тикиштириши, кейинги йилларда шаклланган кўп қутбли жаҳон сиёсий тизимига путур етказиш каби ҳолатлар учун восита, баҳона бўлиб қолишини қоралайди.

Ўзаро стратегик шерикликдан Германиянинг кўзлаган манфаатларидан яна бири мазкур мамлакатнинг дунё сиёсий жараёнларидаги иштирокини, таъсир доирасини мунтазам кенгайтириб боришда кузатилади. Жумладан, 2003-2004 йилларда Германиянинг БМТ Хавфсизлик кенгашига муваққат аъзолигига сайланишида Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватлашига эришган эди. Германия эндиликда 2011-2012 йиллар учун ўтказиладиган сайловда ҳам мазкур кенгаш аъзолигига ўз номзодини илгари суришда ўзининг кўпчилик сиёсий ҳамкорлари сингари Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватлашига умид билдириши шубҳасиз. Бу борада айтилган, Ўзбекистоннинг дунёда кўп қутбли сиёсий тизимни шакллантиришда БМТни ислоҳ қилиш ҳамда Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сонини кўпайтириш бўйича илгари сурилган таклиф тарафдори эканлиги Германия учун айтилган манфаатлидир.

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳамкорликдан кутиладиган томонларнинг бу каби миллий манфаатлари ўзаро муносабатларнинг деярли барча жабҳаларига тааллуқли бўлиб, бу борада энг муҳими уларни акс эттиришда ҳамкор томон манфаатларини ҳам унутмаслик, унга путур етказмасликдан иборат.

Хулоса

Истиқлол мамлакатимиз учун жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида кириш имкониятларини очиб берди. Мустақил Ўзбекистоннинг асосий мақсади барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига, самарали ташқи сиёсатга эга бўлган ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этишдан иборат бўлиб қолди. Бугун ҳаётимизда қарор топиб бораётган турмуш тарзи шуни кўрсатмоқдаки, жаҳондаги интеграциялашув жараёнлари кенг қулоқ ёйиб бораётган бир шароитда мамлакатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик муҳим заруриятга айланди. Бу муносабатлар, аввало, умумий манфаатларни англаш, миллий ўзига хос умуминсоний қадриятлар устуворлигини эътироф этиш асосига қурилмоғи лозим. Ушбу мавзунинг магистрлик диссертацияси мавзуси даражасида ўрганиб қўйидаги хулосаларга келдик.

Биринчидан, дунё ҳамжамиятининг бизга очиқ ва дўстона муносабатлар ўрнатишга бўлган ҳаракатлари ўлароқ ташқи алоқаларда Юртбошимиз амалга ошираётган ҳалол сиёсат - халқаро ҳуқуқнинг энг одил, инсонпарвар, башариятга ҳар томонлама мақбул келадиган устувор тамойилларга асосланган, - деган хулосага келишимиз мумкин. Жаҳондаги қудратли давлатлар Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишонади ва буни аниқ тасаввур этади. Бунинг моддий асоси сифатида табиий бойликларимиз кўлами ва ҳажми, заҳираларимиз улканлиги, бебаҳолиги ва хилма-хиллигини жаҳон аҳли жуда яхши билади. Шу боисдан ҳам қисқа вақт ичида дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳалардаги алоқалар ўрнатишга эришдик. Ҳозирги кунда фаровон ҳаёт кечириётган мамлакатларнинг ҳар бири қолоқлик ботқоғидан чиқиб олиши учун геостратегик жойлашув, табиат заҳираларининг мавжудлиги ва бошқа омиллардан иборат яхшигина пойдевори бўлган. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам инсоннинг ўзи ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мамлакатнинг ғайратли,

меҳнатсевар фуқаролари муваффақиятларнинг муҳим кафолатларидир. Шундай фазилатларга эга миллатгина доимо ўз олдига қўйган улуг мақсадларига эришади.

Иккинчидан, бутун тарихи давомида жаҳон ҳамжамияти кўплаб ҳалокатларни бошидан кечирди. Урушлар, не-не салтанатларнинг кулаши, албатта, инсоният солномасида изсиз йўқолиб кетмайди. Европа ва Осиёда янги-янги давлатлар вужудга келди, тарих катта халқларни ўз ортидан эргаштириш имкониятини берган ёрқин раҳнамоларни юзага чиқарди. Ден Сяопин, Шарль Де Голль, Франклин Рузвельт, Конрад Аденауэр, Людвиг Эрхард, Жамол Абдул Носир, Мустафо Камол Отатурк ва бошқалар ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдалана олдилар. Нафақат халқлар тақдири, балки жаҳон миқёсидаги воқеалар ҳам улар номи билан чамбарчас боғлиқдир. Масъулият юкини кўтара олмай давр сахнасидан тушиб қолганлар номларининг эса қандайдир архивларда ёхуд тарих дарсликларида майда ҳарфлар билан қайд этилганлигини кўриш мумкин.

Учинчидан, 1946 йилда Ғарбий Германия ўзининг қисқа муддатларда қудратли иқтисодий давлатга айланиш бўйича стратегик режасини тузишда муваффақиятга эришиб, уни изчиллик билан амалга ошира бошлади. Бюджет мувозанатини ўрнатиш, солиқларни ошириш, иш ҳақини тўлашдаги чеклашлар иқтисодиётни барқарорлаштириш дастурининг бош йўналишлари бўлди. Натижа эса кутилганидан юқори натижаларга эришишда намоён бўлди. 1950 йилдан 1990 йилгача ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиши ўртача 7,7 фоизни ташкил этди. Ҳатто АҚШ ҳам худди шу даврда йилига ўртача даромаднинг атиги 1,9 фоизлик ўсишига эришганди. 1991 йилга келиб эса, аҳоли жон бошига ялпи миллий маҳсулот ҳажми бўйича Германия жаҳонда Швейцариядан кейинги иккинчи ўринни эгаллаб, АҚШдан ҳам ўзиб кетди. Жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 10 фоиздан кўпроғи унинг ҳиссасига тўғри келади. Бугунги кунда биз Германияни сифатли юқори технологиялар ва ривожланган телекоммуникациялар мамлакати сифатида биламиз ва

уларнинг шиддатли тараққиёти мана шундай сифат ўзгаришларига олиб келди. Бироқ биз, ўзбекистонликлар учун энг муҳими немис тажрибасидан энг қимматлиси доимий равишда анъанавий ҳаёт қадриятларига таянишдир. Ҳар томонлама имкониятлари чекланиб, АҚШ ва ССРга тобеъ бўлган немислар урушдан кейинги энг оғир даврларда ҳам ўз маданий-тарихий меросларидан юз ўгирмадилар. Бинобарин, айнан шу фазилатлар - аниқ пухталиқ, умум ишига дахлдорлик туйғусининг шаклланиши, батартиблиқ, лол қолдирадиган даражадаги меҳнатсеварлик ва фидойилиқ кўп жиҳатдан Германия иқтисодиётининг тез кўтарилишига замин яратди.

Тўртинчидан, бугун инсоният ўз ривожланиш тарихида тараққиёт келажагини ахборот ва ахборот технологиялари белгилаб берувчи янги ахборот асрига қадам қўйди. Ҳозирги кунда ҳеч ким оммавий ахборот воситалари бизнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётганини инкор эта олмайди. Инсоният яралибдики, унинг ҳаётида ахборотлар (қандай турда ва мазмунда бўлишидан қатъий назар) бирламчи аҳамият касб этган ва айнан шу хусусият бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Даврлар ўзгариши ва тараққиёт ахборотларни узатувчи воситаларнинг туринигина ўзгартирди, холос. Зеро, авваллари оғзаки кўринишдаги ахборотлар кўпроқ тарқатилган бўлса, кейинроқ, бу ёзма шаклларга кўчди. Бора-бора китоб, газета, радио, телевидение ва интернет каби тадрижий кўринишдаги ривожланишни бошидан кечирди. Футурологлар янги асрга "Ахборот асри" деган нисбатни берганликлари бежиз эмас. Чунки, бугун катта-катта армиялар ёки кучли қуроллар ҳам бажариши мушкул бўлган ишни биргина йўналтирилган ахборотлар орқали амалга ошириш осонроқ ва қулайроқ бўлиб қолди. Шу боис бугунги курашлар, Президентимиз таъбири билан айтганда мафкуравий полигонларда шиддатли кечмоқда. Бугун деярли барча мутахассислар "Ким ахборотга эгалик қилса, ўша дунёни бошқаради", деган фикрни ҳар сўзида такрорлайдиган бўлишди. Ҳатто бу гап "мода" тусига кирмоқда. Ваҳоланки, XV асрдаёқ буюк матафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоий

ҳазратлари ўзининг "Агар огоҳ сен..." дея бошланувчи ушбу шоҳбайтларида жараёни бошдан оёқ усталик билан тушунтириб берган эди. Йирик-йирик марказлашган кучларга "шоҳлик" мақомини тақдим қилишда эса оммавий ахборот воситалари асосий қаҳрамон ҳисобланади. Ўзгаришга молик жиҳати шундаки, Германия ҳозирда ахборотларни тезлик билан узатиш ва қабул қилиш техникаларини ишлаб чиқариш соҳасида дунёда етакчилик қилмоқда.

Бугунги кунга қадар замон, технология, жамиятнинг ўзгариши, такомиллашиши нафақат иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётда, балки оммавий ахборот воситаларида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлишига сабаб бўлди. Халқаро муносабатлар, халқаро капитал ва молиявий институтларнинг кенгайиши натижасида оммавий ахборот воситалари ҳам жаҳон тарихида мисли кўрилмаган тарзда глобаллашиб бормоқда. Муайян бир миллат ва давлатга ёки маълум бир сиёсий кучларгагина дахлдор бўлган муносабатлар ва алоқалар миллий ва ҳудудий чегаралардан чиқиб, гибрид характерга эга бўлган ўта мураккаб сиёсий-ижтимоий ва маданий воқеликка айланмоқда.

Таъкидлаш керакки, мазкур жараён мамлакатлар сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий ва маънавий ҳаётига, хусусан, мамлакат оммавий ахборот воситаларига жиддий ва кучли таъсир кўрсата бошлади. Биламизки, маънавиятга ўтказиладиган таъсир ўта хавфли саналади.

Бешинчидан, маънавият жамият ҳаётининг шундай бир нозик соҳасики, бу борада ҳўжакўрсинга иш қилиш иқтисодий ва сиёсий соҳаларда кутилаётган турли инқирозларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳам халқаро ахборот алмашиш жараёнларида фаол қатнашмоқда. Аммо глобаллашув жараёнида "жабрланувчи" га айланиб қолмаслик учун ижтимоий онгни миллий оммавий ахборот воситаларни тезроқ янада эркинлаштириши, ахборий бўшлиқ вазиятининг юзага келишига йўл қўймаслиги лозим. Негаки, кучли ижтимоий фикр ва оммавий ахборот воситалари жамиятни глобаллашувнинг сиёсий иқтисодий ва мафкуравий

тазйикларидан ҳимоя қилишда энг самарали восита бўла олади.

Сиёсий фаолият, сиёсий жараёнларда иштирок этиш, аниқ мақсад ва йўналишларга эга бўлишни ахборотсиз ёки оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Оммавий ахборот воситалари оркали аввало инсонлар сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётда ҳамда дунёҳамжамияти, давлатлараро муносабатларда содир бўлаётган ўзгаришлардан хабардор бўлади. Уни идрок этади, муносабат билдиради, қабул қилиши ҳамда сиёсий жараёнларнинг иштирокчисига айланиши ёки аксинча, холисона туриши ҳам мумкин...

Ахборот жамиятида ҳарбий қурол билан эмас, балки, ахборот орқали дунёга эгалик қилиш учун кураш авж олиб бораётган даврда ривожланган давлатлар ўз маданияти ва маънавиятини кенг тарғиб қилишади. Натижада, ривожланишдан орқада қолган ҳар бир миллат ўз миллий менталитетини сақлаб қолиш учун ахборий кураш олиб боради.

Бу бизни турли йўналишлардаги янги технологияларни ўзлаштириш ва энг муҳими, уларни ишлаб чиқаришга яқинлаштирмоқда ҳамда энг камида тамаддунга эришган бошқа мамлакатлардан ортда қолмасликка, яқин келажакда эса ривожланган мамлакатлар сафига киришимизга имкон беради.

Бошқача қилиб айтганда, бизнинг иқтисодиётимиз олға қараб, ўпирилишлардан ҳоли бўлган ҳолда ривожланмоқда, бу бизга эртанги ёруғ кунларимизга тўлақонли ишонч уйғотмоқда ва келгусидаги режали ишлар учун янги инвестициялар билан таъминламоқда. Яъни инқилоб ўрнига узлуксиз равишда эволюцион ривожланиш ҳукм сурмоқда. Аслини олганда, бундай тажрибани жаҳонга АҚШ ва Германия, Япония ва Жанубий Корея аллақачон биринчилардан бўлиб намойиш қилган эди.

Германия ва Европа Иттифоқи мамлакатлари XXI асрда жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида марказий ўринлардан бирини эгаллаши аниқ. Шунингдек, бироқ олсак, мантиқан қаралганда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўйбга чиқаришда Европа Иттифоқи ўзига

хос восита бўла олади. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи пухта ўйланган узоқ муддатга мўлжалланган муносабат курмокда. Шу боис расмий бир қатор Европа мамлакатларининг Марказий Осиё барқарорлигига бўлган таҳдидларнинг олдини олиш масалаларига ёндашуви изчиллашиб бораётганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса Германия Ўзбекистон билан ҳар томонлама яқин ҳамкорлик қилиб келаётган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, глобаллашув натижасида жаҳон тараққиёти мисли кўрилмаган даражада ривожланиб бормокда. Ахборот ва ахборот технологияларига асосланган мазкур жараёнда эса тез ўзгарувчан воқеликка мувофиқ тарзда фаолият олиб бориш замонавий ривожланишнинг энг муҳим омилдир. Шунга кўра, ҳам ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан ва шарқона миллий анъаналардан келиб чиққан ҳолда мазкур соҳадаги ислохотларни изчиллик билан давом эттириш йўлидаги саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштириш эртанги кунимизда кўлга киритиладиган муҳим ютуқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6-Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7-Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8-Т.: «Ўзбекистон», 2000.
4. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9 Т.: «Ўзбекистон», 2001.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10 – Т.: «Ўзбекистон», 2002.
6. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т.: «Ўзбекистон», 2002.
7. Каримов И.А.Биз танлаган йўл – демократик ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: «Ўзбекистон», 2003.
8. Каримов И.А. Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон».
9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005.
10. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.
11. Каримов И.А. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”. Т. “Ўзбекистон”, 2005.

12. Алиев Б.А., Рафиқов Ғ.А., Султонов Т., Раҳмонов Б. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан ўқув қўлланма. 2005 Тошкент.
13. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т.: ТошДШИ, 2003.
14. Машарипов О., Ҳошимов Т.Р., Рафиқов Ғ.А. Политология. Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДИУ, 2000.
15. Отамуродов С., Эргашев И., Ақромов Ш., Қодиров А. Политология. Тошкент.: «Ўзбекистон», 1999.
16. Политология асослари. Т.: «Университет», 1992.
17. Политология курси бўйича маърузалар матни. 2-қисм. Тошкент: М.Улуғбек номидаги ЎЗМУ, 2000.
18. Политология. Ўқув қўлланма. Т.: А.Қодирий ном. халқ мероси нашр., «ЎАЖБНТ» маркази, 2002.
19. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2000.
20. Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Дарслик. Тошкент: «Адолат».
21. Рафиқов Ғ.А., Содиқов А., Раҳмонов Б. Политология фанидан маърузалар матнлари. Т.: ТДИУ.
22. Султонов Т., Ҳайитов А. Демократик жамият сари: парламент сайловлари ва сиёсий партиялар. ТДИУ 2005й.
23. Гулямов С.С. Климат для инвесторов «Труд», 2005 26 апрель.
24. Зиборова М. Объединенная Германия в будущей Европе // Россия и будущее европейское устройство. — М., 1995.
25. Квицинский О.А. Время и случай: заметки профессионала. -М.:ОЛМА-Пресс, 1999.

26. Клемин А.В. Европейский союз и государства-участники: взаимодействие правовых порядков (практика ФРГ). - Казань, 1996.
27. Княжинский В.Б. Западноевропейская интеграция: проекты и реальность. — М.: Международные отношения, 1985.
28. Максимычев И.Ф. Германский фактор европейском безопасности // Международная жизнь. — 1996.
29. Шенаев В.Н. Особенности экономического развития Западной Европы. - М.: Наука, 1993.
30. Шишков Ю.В. Западноевропейская интеграция: современные тенденции развития и противоречия. - М.: Знание, 1980.
31. Шмидт Г. На благо Германии. — М., 1995.
32. Henegan T. Unchained Eagle. Germany after the wall, London, 1993
33. Lippert B. German unification and EC integration: German and British perspectives, London, 1993
34. Marsch D. Germany and Europe: The Crisis of Unity, London, 1995.